СССР 50

МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

25 февраль 1972 йил, жума ✦ № 47 (15.218). ✦ Баҳоси 2 тийин.

*

Фарида Амирхонова Янгийўл кондитер-ачитқи бирлашмасида пешқадамлар сафида меҳнат қиляпти. У ўз зиммасидаги топшириқларни ҳамиша аъло ва ошириб адо этмоқда.

А. Тўраев фотоси.

*

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Самарқанд область маҳаллий Советлари ижроия комитетлари Советлар чиқарган қарорларнинг бажарилишини қандай назорат қилаётганлиги масаласи муҳокама этилди.

Мажлисда область маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари Советларнинг ролини ошириш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг қарорлари талабларига мувофиқ сессияларда хўжалик ва маданий қурилиш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик қонунчиликка ва ҳуқуқ тартиб қоидаларига риоя қилишнинг актуал масалаларини муҳокама қилаётганликлари кўрсатилиб ўтилди.

Советларнинг сессияларида, ижроия комитетлари ва доимий комиссияларнинг мажлисларида совет ходимларининг кенгашлари ва семинарларида илгари қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ахборот ва ҳисобот эшитилиб туради. Текшириш натижалари оммалаштирилади. Бунинг учун, жумладан, депутатларнинг ва ижроия органларининг ҳисоб бериб туриши, уларнинг матбуот саҳифаларида мақолалар ёзиб туриши каби иш формалари кенг қўлланилмоқда. Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари область ижроия комитетидан намуна олиб, ташкилий оммавий иш кабинетлари туздилар, депутатларнинг қилаётган ишлари тўғрисида сайловчиларни доимо хабардор қилиб турадилар.

Шу билан бирга Советлар чиқарган қарорларнинг ижросини назорат қилишни уюштиришда ҳали ҳам жиддий нуқсонлар бор. Баъзан қарор чиқариб, шу қарорнинг ижроси учун кун сайин ташкилий иш олиб борилмаётганлиги асосий камчиликдир. Мана шунинг учун ҳам қурилиш, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, савдо, коммунал хўжалик ва маиший хизматни яхшилаш, жамоат тартибини муҳофаза қилишни кучайтириш юзасидан Советларнинг белгилаган тадбирлари тўла бажарилмаяпти. Чорвачиликни ривожлантириш, унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарорлар жуда секинлик билан амалга оширилмоқда.

Советларнинг сессияларига тайёргарлик кўришга баъзан жиддий эътибор берилмайди. Оқдарё ва Хатирчи район ижроия комитетлари, Иштихон ва Самарқанд районларидаги баъзи қишлоқ ва посёлка Советлари бу муҳим ишга баъзан юзаки қарамоқдалар. Сессияларга тайёргарлик ишларида доимий комиссиялар ва депутатлар баъзан қатнашмайдилар. Шунинг натижасида масалалар етарли даражада активлик билан муҳокама қилинмайди, айрим қарорлар конкрет характерда эмас.

Советларнинг баъзи қарорлари уни ижро этувчиларга етказилмайди. Белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш учун корхона ва ташкилот раҳбарларига нисбатан тегишинча талабчанлик қилинмайди. Советларнинг баъзи комиссиялари ўзларининг контроллик бурчларини бўш бажармоқдалар.

Олий Совет Президиуми ўтказилган текшириш натижаси юзасидан область маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ижрони назорат қилишни кучайтириш чораларини белгилаганликлари тўғрисида Самарқанд область ижроия комитетининг раиси С. Ҳамроқуловнинг ахборотини маълумот учун қабул қилди.

Қабул қилинган қарорда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялари ва депутатлари ҳар бир қарорнинг ғоят таъсирчан бўлишини таъминлашлари кераклиги таъкидлаб ўтилди. Уларнинг бурчи амалга ошириладиган контроллик камчиликларни аниқлашга ва бартараф этишга кўмаклашиш билан бирга ижобий тажрибаларни оммалаштириши, ишлаб чиқаришнинг янги-янги резервларини ишга солиши, аҳолига хизмат қилишни яхшилашга эришишдан иборатдир. Барча ташкилий-оммавий ишларни такомиллаштириш асосида СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора кенгайтириш — Советларнинг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз мажлисида бошқа бир қанча масалаларни ҳам кўриб чиқди. (ЎзТАГ).

КОЛХОЗ БИНОКОРЛАРИ СЪЕЗДИ

24 февраль куни Тошкентда Ўзбекистон ССР колхозлараро қурилиш ташкилотлари вакилларининг иккинчи съезди бўлиб ўтди.

Республика бирлашмасининг фаолияти ҳамда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директиваларини бажариш борасида колхозлараро қурилиш ташкилотларининг вазифалари тўғрисида «Узколхозстрой» кенгашининг раиси С. А. Омеров ҳисобот доклади қилди.

Ҳозирги вақтда ўнта область тресги, Қорақалпоғистон республика тресги ва 118 колхозлараро ташкилотларни ўз ичига олган республика бирлашмаси ҳамма асосий қурилиш ишларини Ўзбекистон колхозларида олиб бормоқда. Саккизинчи беш йилликда бир миллион юз минг квадрат метр уй-жой саҳни, кўпдан-кўп мактаблар, болалар боғчалари ва яслилари, клублар фойдаланишга топширилди. Хўжаликларда янги молхоналар, паррандахоналар, омборлар қуриб битказилди. Шу йиллар мобайнида қурилиш-монтаж ишлари ҳажми анча кўпайди. Саккизинчи беш йиллик ва 1971 йилги план топшириқлари муддатидан илгари бажарилди.

Колхоз қурилишида катта-катта сифат ўзгаришлари ҳам юз берди. Уй-жойлар типовой лойиҳалар ва замонавий план асосида қад кўтармоқда. Кўпгина посёлкаларда водопровод, канализация, теплоцентрал ётқизилмоқда. Меҳнат юксак даражада механизациялаштирилган чорвачилик фермалари қурилмоқда. «Узколхозстрой»нинг катта ишлаб чиқариш базаси вужудга келтирилди. Ҳозир унинг ихтиёрида бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи комбинатлар, йиғма темир бетон ва ғишт заводлари бор. Илғор трестларда йирик панеллар ва енгиллаштирилган темир бетон конструкциялар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Съезд қатнашчилари яхлит йиғма қурилишни янада кенгроқ кўламда қўллаш, ишларни механизациялаш даражасини ошириш, таннархини арзонлаштириш, объектларни топшириш муддатларини қисқартириш зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Съездда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Съезд қатнашчилари 1972 йилги ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан зиммаларига социалистик мажбуриятлар олишди. Тўққизинчи беш йиллик планни 1975 йил 7 ноябргача бажариш мўлжаллаб қўйилди. «Узколхозстрой» ташкилотларининг уставларига киритилган ўзгартиришлар тасдиқланди.

Колхозлараро қурилиш ташкилотлари Ўзбекистон республика бирлашмаси раҳбар органлари сайланди.

Съезд ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриельянц ва И. В. Марцинюк қатнашдилар. (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

23 февралда КПСС Марказий Комитетида КПСС область ва ўлка комитетлари биринчи секретарлари, Россия Федерацияси Автоном Республикалар Министрлар Советларининг раислари, ўлка ва область ижроия комитетлари раисларининг қишлоқ хўжалик масалаларига бағишланган кенгаши бўлиб ўтди.

Бир қанча ўлка, область ва Автоном Республикалар раҳбарларининг колхоз ва совхозларнинг кўкламги экишга ҳамда чорвачиликни янада ривожлантириш борасидаги ишларга тайёрлиги тўғрисида берган ахборотлари тингланди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов ўртоқлар, шунингдек СССР ва РСФСР бир қанча министрликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

ТАЖРИБА ВА ТАШАББУС

ҲАМ ДОН ҲАМ ОЗУҚА

Республиканинг бир қанча колхоз ва совхозларида ташкил этилган маккажўхоричилик бригадаларининг коллективлари билан яқин алоқа боғлаганмиз, борди-келдимиз бор. Тажрибада шу нарса аён бўлдики, қайси хўжаликда маккажўхори ардоқланиб, ундан мўл ҳосил олиниб, кўпроқ силос бостиришга эришилаётган бўлса, ўша ерда чорвачилик равнақ топяпти.

Маккажўхори бизнинг колхозда асосий экинлар —пахта, каноп ва шоли билан бир қаторда туради. Маккажўхорига асосий экин сифатида қараб ютқазаётганимиз йўқ, аксинча фойда кўриб келаётирмиз. Маккажўхори—юқори ҳосилли экин, гап шундаки, у айтарли ер танламайди. Шунинг учун ҳам биз пахта, канопдан чарчаган ерларга маккажўхори экиб келаётирмиз. Ҳар йили салкам 200 гектар ерни ана шу йўл билан пахта, каноп ва шоли учун «янгилаб» бераётирмиз. Алмашлаб экишнинг бу тартиби қишлоқ хўжалик экинларидан муттасил мўл ҳосил олишимизни таъминлаётир.

Бултурги йил 191 гектар майдонда маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдик. Шундан 70 гектар майдонда уруғлик, 121 гектар майдонда силосбоп маккажўхори ўстирилди. Уруғлик маккажўхорининг гектаридан 66 центнердан дон, силосбоп маккажўхорининг гектаридан 600 центнердан кўк поя олинди. Буни колхоз миқёсида ўртача кўрсаткич деб баҳолаш керак. Чунки биз кўп йиллар гектаридан 1000 центнергача кўк поя, 70 центнердан уруғлик дон ҳосили олиб келганмиз. Сўнгги кўрсаткичларнинг бирмунча пасайиб кетишининг сабаблари бор. Пахта ва канопдан бўшаган майдонлар минерал ўғитларга кўпроқ тўйингани сабабли бундай майдонларга маккажўхори экилганда ҳосил юқори бўлади. Лекин шолидан бўшаган майдонларда бегона ўт кам бўлсада, маккажўхори ҳосили бир мунча паст бўлади. Биз буни узоқ йиллар тажрибада синаб кўрдик. Сўнгги йилларда асосан шолидан чарчаган майдонларда маккажўхори етиштириб келаётирмиз. Бироқ, бу йил яна пахтадан бўшаган майдонларга навбат етди. Шу туфайли бригадамиз коллективи гектаридан 1000 центнердан кўк поя, 70 центнердан уруғлик дон олишни мўлжаллаб қўйган.

Кўпинча мендан «1000 центнерлик кўк пояни қандай етиштирасиз?» деб сўрашади. Мен ҳам ўз навбатимда доим уч сўзни такрорлайман: «Уруғлик, меҳнат, тажриба!» Агар бу сўзларни кенгроқ ифодалаш лозим бўлса, шуни айтиш керакки, маккажўхоридан кўнгилдагидек ҳосил олиш учун, аввало, навли уруғлик танлай билиш керак. Масалан, бизнинг ўзимиз кўп йиллар қизил уруғли маккажўхори экиб, ҳосилдорликни оширолмай келганмиз. 1960 йиллардан бошлаб «Ўзбекистон» навига ўтгач, бу уруғлик бизнинг еримиз учун айни даво эканлигини пайқаб қолдик. Лекин, энг яхши уруғдан ҳам астойдил меҳнат туфайлигина кўнгилдаги ҳосилни олиш мумкин. Шу сабабли ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқий меҳнатни четлаб ўтиш мумкин эмас. Учинчидан, маккажўхоричиликнинг ўзига хос тажрибаларидан унумли фойдаланмай туриб мақсадга етиш қийин. Маккажўхори меҳнатни, тажрибани, агротехникани суядиган экин. Бизнинг колхозимизда

Любовь ЛИ,

Тошкент область Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози маккажўхоричилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

◆ ◆

маккажўхори етиштиришда бой тажрибалар тўпланганини фахрланиб айтамиз.

Колхозимизда 30 йилдан буён мунтазам маккажўхори экиб келинади. Лекин бундан 12-13 йил муқаддам эндигина мустақил маккажўхоричилик бригадаси тузганимизда янги бригаданинг истиқболини ҳамма ҳам дарров пайқаб ололган эмасди. Лекин маккажўхоричилик бригадаси жуда қисқа вақт ичида ўзини оқлади. Колхозда маккажўхори етиштириш қатъий изга тушди. Тез орада маккажўхори майдонлари кенгая борди ва ҳосилдорлик йил сайин ортаверди. Маккажўхоричилик бригадаси сал ўтмай колхозга бошқа кўпгина соҳалар қатори фойда келтира бошлади. Маккажўхоричиликнинг ривожланиши хўжаликда айниқса чорвачиликнинг кескин равнақ топишига асос солди.

Бригадамиз коллективи узоқ йиллар тўплаган тажрибалар асосан нималардан иборат? Шу нарса синовдан ўтдики, уруғлик дон ва силос учун экилган маккажўхори агротехникасида ўзига хос фарқ бор. Аввало, энг катта фарқ — дон ва силосбоп маккажўхорининг схемасида яққол намоён бўлади. Уруғлик дон учун 70x35 схемасида ҳар уяда бир кўчат, силосбоп маккажўхори учун эса 70x35 схемасида ҳар уяда иккитадан кўчат бўлишига эришамиз. Натижада биринчи ҳолда ҳар гектарда 35-40 минг, иккинчи ҳолда эса ҳар гектарда 60 минг ва ундан ошиқ кўчат тупига эга бўлинади. Деҳқонлар эса «тупда—ҳикмат кўп» деб бекорга айтмайдилар.

Ёш ниҳолларни ягана қилиш — маккажўхори ерда юз кўрсатгандан кейинги биринчи масъулиятли тадбирдир. Уруғлик дон учун экилган маккажўхори 2-3 марта, силосбоп маккажўхори эса 1-2 марта чопиқли ўтоқ қилинади. Биринчи чопиқ ниҳолларни қатқалоқдан қутқазиб, тезроқ бўй чўзишини таъминлайди. Шунинг учун биринчи чопиқда ернинг нами оби-тобида бўлишига алоҳида аҳамият бериш керак. Иккинчи чопиқда эса асосан ёввойи ўтлар йўқотилади. Учинчи чопиқ эса ерларнинг қай даражада ўт босганлигига қараб ўтказилади.

Маккажўхори парваришни ёқтирадиган экин. Ҳар культивациядан сўнг эгат ораларидан шабада равон эсиб, тез вақт ичида маккажўхори танасининг яйраб-яшнаб қолганлигини сезиш қийин эмас. Культивация ҳар сувдан сўнг ернинг оби-тобига қараб 3-5 кун кейин бошланиши керак. Бунда ернинг қотиб қолмаслигига алоҳида эътибор берилади. Дон учун экилган маккажўхори пайкалларида 5-6 марта, силосбоп маккажўхори пайкалларида эса 4-5 марта культивация ўтказамиз.

Ҳосил тақдири кўп жиҳатдан маккажўхорига об-ҳаёт тараётган сувчилар қўлидадир. Шу сабабли бизда энг тажрибали кишилар сув тарашга қўйилади. Бригада сувчиларидан Юсуф Мусаев, Ҳак Чер Ким, Бакир Мирзабоев, Ҳаритон Дий кўпдан буён ўз вазифаларини муваффақиятли уддалаб келмоқдалар. Дон учун экилган маккажўхори 5-6 марта, силосбоп маккажўхорини 4-5 марта суғорамиз.

Шуни айтиш керакки, ер ўғитга тўймай туриб маккажўхори сув ва парваришни ўзига етарли сингдиролмайди. Бошқача айтганда, «оч қоринга» сув кетармиди? Шунинг учун ҳам маккажўхори майдонларини ўғитга тўйдиришда агротехника талабларига итоат қилиш шарт. Биз маккажўхори майдонларига асосан икки марта минерал ўғит, бир марта маҳаллий ўғит соламиз. Масалан, кўп ҳолларда ҳар гектар маккажўхори майдонига икки юз килограмм калий, 500-600 килограмм суперфосфат, 15 июлда эса гектарига 300 килограммдан азот соламиз. Экиннинг айни саратонда минерал ўғитга икки марта тўйдирилиши унинг тезроқ бўй чўзиб, кўпроқ ҳосил тўплаб олишига имкон беради.

Бизда уруғчилик ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги маккажўхоридан мунтазам мўл ҳосил олинишини таъминламоқда. Биз сараланган уруғ билан фақат ўз колхозимизнигина эмас, давлатга топшириш йўли билан республикадаги кўпгина хўжаликларни ҳам таъминлаб келаётирмиз. Биз етиштирган «Ўзбекистон» навли уруғ ҳозир Литва, Латвия, Қозоғистон ва бошқа республикаларда экилиб, ундан мўл ҳосил олинаётганлиги билан фахрланамиз.

КПСС XXIV съезди қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари қатори мамлакатда чорвачиликни кескин ривожлантириш, чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва таннархини арзонлаштиришдек муҳим вазифаларни қўйди. Бу эса чорва учун мустаҳкам озуқа манбаи бўлган маккажўхоричиликни кескин ривожлантиришни тақозо этади. Маккажўхори—дон, озуқа, сут ва гўшт демакдир.

Мен кўп йиллик тажрибага асосланиб қуйидаги масалаларни кун тартибига қўйишни, уни изчиллик билан амалга оширишни истар эдим.

Ҳар бир колхоз ва совхозда маккажўхорикорлик бригадалари ёки звенолари тузилиб, улар муттасил уруғ етиштириш билан шуғулланса яхши бўлур эди. Хўжаликларни навли, районлаштирилган, гибрид уруғлари билан таъминлаш тубдан яхшиланиши лозим. Бунинг учун маккажўхоризорлар кенгайтирилиши, ҳосилдорлик оширилиши, ҳамма иш машиналар ёрдамида бажарилиши керак. Бунинг учун бригадир ёки звено бошлиқлари механизатор бўлишлари лозим.

Ҳосил пишиб етилганда, аввало, уруғлик, эҳтиёт фонди ажратилишини шарт қилиб қўйиш вақти келди. Уруғлик донни ғалла тайёрлаш ҳисобига топшираётган хўжаликларнинг раҳбарларини қаттиқ тартибга чақириш керак. Давлат ғалла тайёрлаш планини бажариш қонун экан, уруғлик тайёрлаш планини бажаришни ҳам қонун қилиб қўйиш зарур.

Маккажўхоризорларга мош, ловия, нўхот ва бошқа экинларни аралаштириб экиш одат тусига киритилса яхши бўлур эди. Чунки дон уруғлик учун олинса, ўша экинларнинг пояси чорва моллари учун тўйимли озуқа бўлади.

Илгари кўп колхозлар ва совхозларда комсомол-ёшлардан ташкил топган маккажўхорикорлик бригадалари ва звенолари бор эди. Афсуски уларнинг фаолияти кейинги йилларда сусайтириб юборилди. Менимча, ўша бригадалар ва звеноларни тиклаш, фаолиятини кучайтириш вақти келди. Маккажўхори — комсомол экини, деб эълон қилинса яхши бўлур эди.

Маккажўхори, мош, ловия, нўхот ва бошқа экинларни озиқлантириш учун минерал ва органик ўғитларни етарли миқдорда тўплаш, бунинг учун олдиндан ишчи кучи, транспорт воситалари ажратиш керак.

Дўстлар, дугоналар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, келинг, маккажўхори майдонларини кенгайтирайлик. Маккажўхори дони ва кўк пояси ҳосилини оширайлик. Дала маликасини ардоқлайлик!

ЯНГИ ПАХТА ЗАВОДЛАРИ

Хатирчи районида пахта заводи қуриб битказилди. Область пахта тайёрлаш трести составидаги шу еттинчи янги корхонада ишга тушириш-созлаш ишлари бошлаб юборилди. Энг янги машина-ускуна билан жиҳозланган якка батареяли завод ҳар йили 30 минг тонна пахтанинг толасини ажратишга мўлжалланган.

Хатирчи пахта заводи ихчам қилиб режаланган. Ҳамма асосий цехлар ва хизматлар битта корпусда жойлаштирилган. Завод ишга туширилиши билан Каттақўрғон районлар группаси пахтани олисга ташиб боришдан қутилиб, шу ернинг ўзида толасини ажрата оладиган бўлиб қолади.

* * *

Навоий станциясида янги пахта заводи қурила бошлади. Заводни Тошкент давлат тўртинчи лойиҳалаш институти лойиҳалаган.

Бу заводда ишлаб чиқариш максимал даражада механизациялашади. Корхона йилига 80 минг тонна пахтани қайта ишлайди.

Лойиҳачилар янги корхона устида ишламоқдалар: Ғиждувонда ингичка толали пахтани қайта ишлайдиган завод қурилиши керак.

Беш йиллик охирига бориб Бухоро области ярим миллион тоннага қадар пахта етиштириши мўлжалланган. Шу маҳсулотнинг ҳаммаси область пахта тайёрлаш трестининг корхоналарида қайта ишланади. (ЎзТАГ).

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАН АФРИКАГА

Марокаш билан Гвинея Қўқондаги «Электромаш» заводи маҳсулотининг харидорлари бўлиб қолди. Янги моделдаги пайвандлаш трансформаторининг биринчи туркуми шу мамлакатларга жўнатилди. Ҳозирги вақтда «Электромаш» чет эллардаги 30 давлатга маҳсулот етказиб бермоқда. (ЎзТАГ).

ЧИҚИТДАН ТОЛА

Йил бошланганидан бери Шеробод пахта заводида қўшимча салкам 10 минг сўм фойда олинди. Рационализаторлар пахта чиқитидан тола ажратиб олишни таклиф қилдилар. Бунинг учун улар толани регенерация қиладиган машинани такомиллаштирдилар.

Шерободлик рационализаторларнинг чизмаларига биноан Сурхондарё областининг бошқа пахта заводларида тола регенераторларига шундай ўзгартиришлар киритилди. Бу тадбир йилига қўшимча неча ўнлаб тонна тола олишга имкон беради. Илгари шунча тола чиқитга кетарди.

АМУ—ЗАНГ КАНАЛИ

Ўзбекистон жанубидаги энг катта ирригация қурилиши — Аму — Занг машина каналида дастлабки портлатиш ишлари бошланди. Ҳар сафарги портлаш секундига 20 куб метр сув ўтказа оладиган салкам ярим километр ўзанни очиб бера олади. Шу усулда қурилган канал туби лойиҳага жуда мувофиқ келади.

Ана шу 55 километрлик сунъий дарё ишга туширилгач, 8,5 минг гектар қўриқ ерни суғоради ва олтмиш минг гектар пахтазорнинг сув таъминотини яхшилайди. Ҳозир қурувчилар трассанинг энг қийин участкасига етиб келишди. Бу ерда каналнинг тўққиз километрлик қисми ер қазиш машиналарининг «тиши ўтмайдиган» харсанг тошли заминда кавланиши керак.

«Союзвзрывпром»нинг Тошкент бошқармаси ишлаб берган портлатиш технологиясидан фойдаланиш каналнинг қуриш муддатларини бир неча ўн баравар қисқартиради. Натижада канал шу баҳорнинг ўзидаёқ сув бера бошлайди. Аму-Бухоро машина канали ва бошқа ирригация системалари қурилишида муваффақиятли равишда синаб кўрилган бундай портлатишлар энди лойиҳаларга тобора тез-тез киритилмоқда.

Бу йил Ўзбекистонда портлатиш усулида салкам юз километр канал ва коллектор қуриш мўлжалланган.

МУНОСИБ ВОРИСЛАР ЕТИШТИРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИДА

Кеча хабар қилганимиздек, Тошкент область партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш ва республика халқ хўжалигини малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш тўғрисида»ги қарори бажарилишининг бориши муҳокама қилинди.

Тошкент область партия комитетининг секретари ўртоқ Б. А. Абдураззоқов доклад қилди.

КПСС XXIV съезди совет халқининг моддий ва маънавий турмуш даражасини янада яхшилаш вазифасини алоҳида таъкидлаб кўрсатди. Бу улкан вазифани муваффақиятли бажариш халқ хўжалигида самарадорликни, илғор техника тараққиётини ва меҳнат унумдорлигини янада оширишни тақозо этади. Шундай экан, бу муҳим вазифани ҳал этишда ишчилар синфи ва уларнинг қўлидан меҳнат эстафетасини қабул қилиб олувчи истиқбол эгаси бўлган ёш ишчи кадрлар етиштириш тўғрисида партия ташкилотлари тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар.

КПСС XXIV съезди қарорларида ўрта маълумот берадиган ҳунар-техника билим юртлари тармоқларини кенгайтириш лозимлиги ҳақида алоҳида таъкидланган. Кейинги йилларда Тошкент области ва Тошкент шаҳрида олтита ҳунар-техника билим юртлари ўрта ҳунар-техника билим юртларига айлантирилди. 9-ҳунар-техника билим юрти эса 1963 йилдан бери полиграфия саноатига ўрта маълумотли малакали ишчи кадрлар тайёрлаб бермоқда.

Областдаги бир қатор билим юртлари малакали ўқитувчи кадрлар билан мустаҳкамланди. Ўтган беш йилликда ҳунар-техника билим юртларига 236 та олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар юборилди. 162 ўқитувчи ва мастерлар қайта тайёрланди. Ўқув-материал базаларини мустаҳкамлаш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Ҳозир билим юртларида жами 112 та ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, 240 та ўқув кабинетлари ва лабораториялар бор. Ўтган беш йилликда билим юртлари ўқувчилари кучи билан 1,94 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди, 770 та металл қирқадиган ва ёғочни қайта ишлайдиган станоклар ясалди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қарорида малакали ишчи кадрлар тайёрлаш, бунинг учун эса ҳунар-техника билим юртлари ишини янада яхшилаш вазифаси алоҳида қайд қилинди.

Областдаги баъзи ишлаб чиқариш корхоналарида малакали ишчиларга талаб катта эканлигига қарамай, уларни ҳунар-техника билим юртларида тайёрлаш ишига етарли эътибор берилмаётир. Тошкент область қишлоқ қурилиши ташкилоти 1967 йилдан бери Пискент шаҳридаги 15-ва Бекобод районидаги 4-ҳунар-техника билим юртлари қурилишини тугалламади. Оржоникидзе районидаги 21-ҳунар-техника билим юртининг ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси ҳам «Главташкентстрой»нинг 159-қурилиш трести айби билан ҳамон фойдаланишга топширилмаётир. «Алмаликсвинецстрой» ташкилоти олти йилдан бери кон-металлургия комбинати учун 600 ўринли ҳунар-техника билим юрти қуриб бермаяпти. «Ташкенткабель», Олмалиқ конметаллургия комбинати, Чирчиқ трансформатор заводи ўз базаларида ҳунар-техника билим юртига эга эмас.

Янги техникани бошқара оладиган малакали ишчи-кадрлар етарли миқдорда тайёрлансагина техника тараққиёти, янги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш иқтисодий самара бериши мумкин. Бунга эришиш учун республикамизда тўққизинчи беш йилликда 44,6 минг ўқувчи билим ва ҳунар эгаллайдиган ўрта ҳунар-техника билим юртларининг сони 85 тага етказилади.

Ҳунар-техника билим юртларида жисмоний тарбия ва спорт-оммавий ишлар яхши йўлга қўйилди. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социалистик мусобақанинг тарбиявий ишдаги аҳамиятини тобора кучайтирмоқдалар.

Тўққизинчи беш йилликда Тошкент шаҳрида ҳунар-техника билим юртлари сони 40 тага, Тошкент областида эса 33 тага етказилади, жами 86,2 минг ўқувчи билим юртларига қабул қилинади. Саноат учун малакали ишчи кадрлар тайёрлаш 1,4, қишлоқ хўжалиги учун 1,8, хизмат кўрсатиш корхоналари учун малакали ишчилар тайёрлаш 1,7 баравар кўпаяди.

Йиғилишда ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш ишига тўсқинлик қилаётган баъзи камчиликлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтилди, ҳунар-техника билим юртларига ёрдам ва хизмат кўрсатмаётган корхона ва ташкилотлар танқид қилинди.

Ангрен шаҳар партия комитетининг секретари М. Ориф-жонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш ва республика халқ хўжалигини малакали ишчи-кадрлар билан таъминлаш тўғрисида»ги қарори Ангрен шаҳрида қандай бажарилаётгани ҳақида гапирди. Ангрен саноат шаҳри, — деди у. — Бу ерда юқори малакали ишчи кадрларга талаб катта. Шаҳар партия комитети ва корхона, қурилиш партия ташкилотлари ёшларга ҳунар-техника таълими беришни янада яхшилаш ишига эътиборни кучайтирмоқдалар. Тўққизинчи беш йилликда бу ерда янги ҳунар-техника билим юрти қурилади. Мавжуд ҳунар-техника билим юртлари билан корхоналар ўртасидаги алоқалар янада яхшиланади.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қарорида ёшларга ҳунар-техника таълими бериш ва малакали ишчи кадрлар етиштириш вазифаси алоҳида қайд этилди, — деди Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасининг директори М. Жабборова. — Ўтган йили фирмамизга 500 дан ортиқ йигит ва қизлар ишга келдилар. Шулардан 220 ёш ишчи ҳунар-техника билим юртини тугаллаган. Фирма дирекцияси ва партия ташкилоти 5-ҳунар-техника билим юртининг филиали учун корхонамизда бино ажратди. Энди бу билим юрти ўқувчиларининг сонини икки ҳисса кўпайтириш имконияти вужудга келди. Корхона партия ташкилоти ёш ишчиларни тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Улар бригада бошлиқлари ва мастерларга биркитиб қўйилган.

Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Ф. Хўжаев ҳунар-техника таълимини янада яхшилаш ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. 18 ёшгача бўлган йигит ва қизларни ишлаб чиқариш корхоналарига фақат ҳунар-техника билим юртлари орқали қабул қилиш, ўрта мактабларни ишлаб чиқариш корхоналарига биркитиб қўйиш вақти келди, деди.

Йиғилишда Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари Т. И. Акимова, Тошкентдаги 9-ҳунар-техника билим юртининг катта мастери О. Самигов, область халқ маорифи бўлимининг мудири М. Нишонов, 31-ҳунар-техника билим юртининг директори М. Ризаев, Тошкент область комсомол комитетининг секретари О. Исҳоқов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитети раисининг ўринбосари В. П. Иванов ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

Область партия активи йиғилишида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Р. ТУРСУНОВ.



Урта Осиё табиий газ илмий-тадқиқот институтида «Минск-32» маркали электрон-ҳисоблаш машинаси ўрнатилди. У катта фойда келтирмоқда. Суратда: инженер Замира Абдуллаева (чапда) ва катта инженерлар В. Засецкий ҳамда Е. Булгакова ўртоқлар машина залида иш олиб боришяпти.

И. Глауберзон фотоси.

ДАСТЛАБКИ БУЮРТМАЛАР

«Узсельхозтехника» Жарқўрғон райони бўлими хузурида қурилган «Т—4» тракторларини ремонт қилувчи устахона колхоз ва совхозлардан дастлабки буюртмаларни қабул қила бошлади. Ҳар йили у 300 та тракторни ремонт қилиб бера олади.

Эндликда Сурхондарё области-нинг ҳамма районларида ихтисослаштирилган корхоналар ишлаб турибди. Кўпгина турдаги машиналарни ва қишлоқ хўжалик қуролларини ремонт қилишга бўлган талаб ортиши муносабати билан бундай корхоналар кўпайтирилади. Масалан, Шўрчида Шеробод даштида янги ташкил этилган совхозларнинг ҳайдов тракторларини ремонт қилиб берадиган устахона қурилиши тугалланмоқда. Гагарин районида ҳайдов тракторлари ва пахта териш машиналарини қайта тиклайдиган устахона барпо этиш мўлжалланмоқда. (ЎзТАГ).

ХУШ Хабарлар

САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА

Апрель ойи ҳисобига

Хўжайли шаҳридаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатида 20 йилдан буён тикувчи бўлиб ишлаётган Авазхон Камолова корхона коллективи ўртасида катта ҳурмат қозонган ишчилардан. Бу меҳнатсевар аёл ўтган беш йиллик мобайнида 30 га яқин ишчан шогирдлар тайёрлади. У тўқкизинчи беш йилликда 40 та шогирд тайёрлаш, СССР ташкил топган кунинг 50 йиллиги шарафига белгиланганидан ташқари мингдан зиёд кўйлак тикиш ниятида. Смена топшириқларини доимо ошириб адо этаётган А. Камолова шу кунларда апрель ойи ҳисобига иш бажариб, пландан ташқари 100 та кўйлак тикди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

Донгдор кулол

Фарғона областидаги Ўзбекистон район маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ишчиси Собитали Мақсудов 40 йилдан ортиқ вақт мобайнида кулоллик касбини улуғлаб келяпти. Унинг қўлидан чиққан бежирим коса, лаган, пиёлалар харидорлар дидига мос тушяпти. Яқинда устанинг чархи механизациялаштирилди. Чарх электр мотори билан ҳаракатга келадиган бўлди. Оғири енгил бўлган уста янада кўпроқ уй-рўзғор идишлари ишлаб чиқараётир.

О. САФОХОНОВ.

Баҳоргача 2 минг гектар ер

Наманган сув иншоотлари қурилиши трестига қарашли Задарё район биринчи қурилиш-монтаж бошқармаси коллективи районда 28 минг гектар ер ўзлаштирди. Оққум, Аччиққўл массивларидаги шўрхок ерлар экинзорларга айлантирилди. Бу хайрли ишда бульдозерчи А. Тошқўзиев, И. Исроилов, А. Қорғдиев, скрейперчи О. Шокиров, С. Аҳмадалиев сингари пешқадамлар кўпчиликка ибрат кўрсатишди.

С. ҒОВСИДДИНОВ.

Меҳнат шарофати

Бўйдан 30 йил муқаддам 14 ёшли қиз — Аллома Ғаффорова Бухоро пиллакашлик фабрикасига ишга келган эди. У бир неча йил ишчига шогирд бўлиб юрди. Смена мастери Г. Фаттохова унга тола ўровчилик ихтисосини эгаллашни маслаҳат берди. Шундан сўнг Аллома фабрика-заводлар учун малакали ишчилар тайёрловчи билим юртида таълим олади. Орадан кўп ўтмай қийинчиликларга бардош бериб меҳнат қилишга кўникган қиз, ўзининг самарали иши билан фабрика коллективи ҳурматини қозонди.

Яқинда, фабрика фидокори А. Ғаффорова юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирланди. Бу, смена топшириқларини муттасил 160-165 процент бажариб келаётган А. Ғаффоровани янги меҳнат зафарларига чорламоқда.

Э. АБЛАЕВ.

ЎЛКАМИЗ БОЙЛИКЛАРИ

Суратда: Ўзбекистондаги мармар конларининг манзараси акс эттирилган.

Автор фотоси.

СЕРЖИЛО ТОШЛАР

Республикамизда табиий тош бойликлари чексиз. Уларнинг техникавий хусусиятлари ва сифатлари ҳам хилма-хил. Табиий тошларнинг ранг-баранглилиги, сержилолиги, мустаҳкамлиги ва шу каби бир қанча фазилатларга эгалиги улардан метро станцияларини безашда фойдаланиш имконини беради. Республикамизда бундай тошларни қазиб чиқариш ва улардан турли хилдаги маҳсулотлар тайёрлаш, асосан, муваффақиятли якунланган саккизинчи беш йилликда вужудга келди.

То 1966 йилгача Ўзбекистон территориясида блокли маҳсулот оладиган биронта гранит кони бўлмаганлиги туфайли бундай тошлар қазиб чиқарилмаган. Фақат довруғи етти иқлимга кетган машҳур Ғозғон мармор конидан вақти-вақти билан оз миқдорда блокли мармар маҳсулотлари қазиб олинар эди. Тош қазиб чиқариш саноатнинг ривожланмаганлиги туфайли республикамизда биноларни безаш ва муҳим иншоотларни тиклашда қўлланиладиган гранит мармар тошлари Урал, Украина, Болтиқ бўйидан келтирилар эди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, республикамизда кенг миқёсда олиб борилган геологик-қидирув ишлари натижасида саноат аҳамиятига эга бўлган бир қанча гранит ва мармар конларининг (Севассой, Гурмак, Чоркасар, Шовоссой, Бахмал, Биркунлик, Нурота, Оқтош) топилиши тош қазиб чиқариш ва маҳсулотлар тайёрлаш соҳасининг ривожланишига сабаб бўлди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги 1972 йилда ўндан ортиқ гранит ва мармар конларида йигирма минг куб метрга яқин блокли маҳсулотлар қазиб чиқариш ишларини амалга оширишни режалаб қўйган. Тошкентда метро қурилиши Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги зиммасига яна бир энг муҳим вазифани юклади: у ҳам бўлса Тошкент метросини олий сифатли қурилиш материаллари, шу жумладан, пардозбоп тошлар билан таъминлашдан иборат.

Ўзбекистоннинг мармар ва гранитлари сержилолиги ва мустаҳкамлиги жиҳатидан Урал ва Кавказ, Украина ва Молдавия, Озарбайжонникидан сира қолишмайди. Ўлкамизнинг мармари ва гранитлари чет элларда ҳам машҳур. 1939 йилда Нью-Йоркда ва 1940 йилда Парижда Совет Иттифоқи кўргазмалари очилганда унинг павильонларини безашда Ўзбекистон мармаридан ҳам фойдаланилган. Москва, Ленинград, Киев, Боку ва бошқа метрополитенларнинг айрим станциялари Ўзбекистон тошлари, айниқса Ғозғон мармари билан безатилган.

Пардозбоп тошларни қазиб чиқариш ишлари, асосан, Ғозғон мармар конида ҳамда Севассой, Чоркасар гранит конларида яхши йўлга қўйилган. Ғозғон мармар конидан тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида беш минг метр кубга яқин блокли маҳсулотлар қазиб олинди. Беш йилликнинг охирига бориб блокли маҳсулотлар қазиб чиқаришни икки баробар ошириш мўлжалланмоқда. Севассой ва Чоркасар гранит конларида ҳам блокли маҳсулотлар қазиб чиқаришни беш минг кубга етказиш мўлжалланмоқда.

Ҳозир республикамиз геологлари олдида йирик тош қазиб чиқариш ва маҳсулотлар тайёрлаш саноатини вужудга келтириш, қисқа муддат ичида саноат аҳамиятига эга бўлган оқ, зангори, пушти, тўқ қизил ва тим қора рангли гранит ва мармар конларини аниқлаб, тош қазиб чиқариш саноатининг маҳсулот турларини янада бойитиш каби муҳим вазифалар турибди.

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги қошидаги «Ташкентгеология» трестига қарашли «Химгеолнеруд» экспедициясининг бир гуруҳ геологлари ўтган йили Курама ва Чоткол тоғларида, Чоркасар ва Шовоссой гранит конларида қидирув ишларини тугаллади. Чоркасар конида қизғиш гранит, Шовоссой конида эса кулранг грандиорит блокли маҳсулот запаслари Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлигига топширилди. Бундан ташқари мазкур экспедициянинг «Ярқиллама тошлар» партияси ходимлари томонидан олиб борилган Самарқанд область Оқтоғ тоғида ва Тошкент области Каржантов тоғига уюштирилган қидирув ишлари ҳам яхши натижалар берди.

Бундан ташқари Ғозғон мармар конидан 30 километр жанубий-шарқда Нурота мармар кони борлиги аниқланди. Бу ерда олиб борилган дастлабки ўрганув ишлари мазкур районда саноат аҳамиятига эга бўлган битмас-туганмас маҳсулотлар борлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда бу конинг қидирув лойиҳаси тузилмоқда. Келажакда Нурота оқ мармар кони ҳам Ғозғон мармар конидек йирик блокли маҳсулотлар қазиб чиқариш манбаига айланса ажаб эмас. Бу кон мармари ҳам Ғозғон кони ёнида қурилаётган тошлардан маҳсулотлар тайёрлайдиган заводнинг хом ашё базаларидан бири бўлиши мумкин.

«Ярқиллама тошлар» партиясининг янгиликларидан яна бири Тошкент область Чорвоқ сув омборидан 6-7 километр шимолда топилган Хумсон мармаридир. Бу мармар запаси унча кўп бўлмаса ҳам рангининг сержилолиги билан алоҳида ажралиб туради. Юқорида номлари тилга олинган конларнинг барпо бўлишида экспедиция ходимлари катта ҳисса қўшдилар.

Тошкент метроси станцияларини пардозлашда миллий орнаментлар билан бир қаторда республикамиз конларидан қазиб олинаётган пардозбоп тошларнинг турларидан ҳам (мармар ва гранитларидан) фойдаланишга ишончимиз комил. Лекин айрим марказий станцияларнинг кўркам, нафис ва сержило бўлиши учун безакбоп тошлардан (ҳақиқ мармар, офиокальцит, доломит, яшма, родонит, лиственит, серпентинит ва бошқалардан) ҳам фойдаланилса, республикамиз аҳлининг ҳамда қардош республикалардан келган меҳмонлар, делегатлар, туристлар эътиборини ўзига тортган, кўзни қамаштирадиган даражада гоят гўзал бўлур эди. Яратилган гўзал манзаралар санъатшуносларимизнинг санъатини асрлардан-асрларга, авлодлардан-авлодларга намойиш қилувчи, уларнинг номларини абадийлаштирувчи мерос бўлсинки, уни завқ билан кўрган ҳар бир инсон ишлаган устанинг санъатига қойил қолиб, «Санъатингга баракалла, қўлинг дард кўрмасин» деб тасанно ўқисин. Бундай безакбоп тошлардан метро станцияларини безашда фойдаланиш учун станцияларнинг лойиҳасини тузувчилар бир неча ташкилотларнинг (санъатшунослар, тош қазиб чиқарувчилар, маҳсулот тайёрловчилар, геологлар) мутахассис вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим.

Метро станцияларининг гўзал ва кўркам бўлиши республикамизда саккизинчи беш йилликда вужудга келган янги соҳа — тош қазиб чиқариш ва ундан маҳсулотлар тайёрлаш соҳасининг ривожланганлигидан далолат беради. Бу соҳанинг маҳсулотларидан фақат республикамизнинггина эмас, балки қардош республикаларнинг эҳтиёжларини ҳам қондириш имконини беради. Бу соҳада ишлаётган геологларимизнинг тўққизинчи беш йилликда олдига қўйиган асосий вазифалари янги-янги сержилоли хом ашё базаларини вужудга келтиришдан иборат.

А. ТОЛИПОВ, инженер-геолог.

БУЮК ҲАМКОРЛИК

СССР 50 ЙИЛ

В. И. Ленин Совет Социалистик Республикаларининг бузилмас иттифоқи тўғрисида фикр юритар экан, у бундай иттифоқ миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, бир-бирига қардошларча ёрдам бериш принципларига асосланишини қайта-қайта уқтирган эди. Доҳий кўрсатмаларига амал қилиниб, РКП(б)нинг X съездидаёқ мамлакатимиз, жумладан Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий соҳадаги қолоқлигини тугатишнинг муҳим йўллари кўрсатиб берилган эди. **Ҳарбий ва хўжалик ишларининг бирлигига асосланган Совет Республикаларининг федерацияси,** — деб таъкидланди съезд резолюциясида, — **давлат иттифоқининг шундай бир умумий формасидирки, у айрим республикаларнинг ҳам, бутун федерациянинг ҳам бир бутун бўлиб яшашини ва хўжалик жиҳатдан ривожланишини таъмин этишга, тараққиётнинг турли босқичида турган миллат ва халқларнинг турмуши, маданияти ва иқтисодий аҳволидаги турли хусусиятларни эътиборга олишга имкон беради.**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ

Ривожланган социализм босқичида КПССнинг хўжаликка илмий раҳбарлик қилиш, миллатлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш ва миллатларни бир-бири билан янада яқинлаштириш соҳасидаги улкан сиёсий-ташкилий фаолияти жуда катта социал аҳамиятга эгадир. КПСС Программасида қайд қилинганидек, ҳозирги босқичда янги саноат марказларининг вужудга келиши, табиий бойликларнинг топилиши ва ишга солиниши, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳамда хилма-хил транспорт турларининг ривожлантирилиши совет халқларининг ўзаро алоқаларини кенгайтиради. Бу давр миллатларнинг янада яқинлашуви ва уларнинг тўла бирлигига эришиш билан характерланади. Коммунистик жамият моддий-техника базасини яратиш совет халқларининг янада мустаҳкамроқ яқинлашувини таъминлайди.

Коммунистик партия миллий муносабатлар соҳасидаги ўз сиёсатида барча совет миллатлари ва халқларининг қардошларча ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамини тобора кучайтириб бориш. Совет республикалари хўжалигини ҳар томонлама ривожлантириш, республикаларнинг меҳнат ғайратини бирлаштириб ва мувофиқлаштириб, бутун давлатнинг манфаатлари билан ҳар бир Совет республикасининг манфаатларини тўғри қўшиб олиб борган ҳолда ишлаб чиқаришни рационал жойлаштиришни ва табиий бойликларни планли суратда ишга солишни таъминлаб, республикалар ўртасида социалистик меҳнат тақсимотини такомиллаштириш мақсадларини кўзда тутади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев партия XXIV съездига қилган ҳисобот докладида совет халқлари дўстлиги, иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисида гапириб, бундай деган эди: **«Ўтган йилларда партия раҳбарлигида қардош совет республикаларидан ҳар бирини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида, мамлакатимиздаги миллатлар ва элатларни бир-бири билан астасекин яқинлаштириб бориш йўлида янги қадамлар қўйилди. Бутун иттифоқимизнинг муштарак манфаатларини ҳам, ундаги ҳар бир республиканинг манфаатларини ҳам доим ҳисобга олиш партиянинг бу масаладаги сиёсатининг моҳиятидир».**

Партиямиз ана шу принципларни, ленинча миллий сиёсатни оғишмай амалга ошириб, СССР халқлари куч-қудратини, совет республикалари иқтисодий ресурсларини янги жамият қурилишига, мамлакат мудофаа қувватини мустаҳкамлашга сафарбар қилмоқда, иттифоқдош республикалар экономика ва маданиятини беқиёс даражада ривожлантириб, улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга эришмоқда.

Хўжаликни бошқаришнинг ленинча принципларига асосланган партиямиз иттифоқдош республикаларнинг социал-маданий, иқтисодий қурилишдаги ҳуқуқларини янада кенгайтирди, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик йўлларини очиб берди. Чунончи, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1965 й) Пленумида ҳар бир иттифоқдош республиканинг давлат план органларига республика халқ хўжалигини ривожлантириш план лойиҳаларини ишлаб чиқиш, республикаларнинг Министрлар Советларига эса СССР министрликлари ва идоралари ишлаб чиққан план лойиҳаларини кўриб чиқиб, ўз таклифларини киритиш ҳуқуқи берилди. Бу— миллий республикаларнинг иттифоқ ва иттифоқ-республика аҳамиятидаги саноат тармоқларига раҳбарликда актив иштирокини таъминлайди, республикаларо ҳамкорликни мустаҳкамлайди.

Совет республикалари қардошлик алоқаларининг иқтисодий асоси—уларнинг ривожланган социализм даврида коммунизм моддий-техника базасини яратишидир. Янги жамият моддий-техника базасини бунёдга келтиришни ҳар бир миллий республика халқлари ўзларининг интернационал бурчи деб биладилар. Шунинг учун ҳам у ёки бу миллат ва элат фақат ўз моддий эҳтиёжларини эмас, балки қардош халқлар, иттифоқдош республикалар экономикасини, ўз халқ хўжалигининг у ёки бу тармоқларини ривожлантиришда умум мақсадлар ва манфаатларини кўзлайди.

Совет республикаларида барпо этилган ва этилаётган кўплаб индустрия гигантлари мамлакатимиз халқлари бузилмас қардошлиги, иқтисодий ҳамкорлигининг ёрқин тимсолидир. Ўзбекистондаги Олмалиқ, Ангрен, Навоий, Грузиядаги Рустави, Озарбайжондаги Сумгаит саноат марказлари, РСФСРдаги Братск, Волжск, Арманистондаги Нурек ГЭСи қурилишларида Ватанимиздаги ҳамма миллат ва элат вакиллари иштирок этди ва этмоқда. Замонамиз энергетикасининг гиганти Братск ГЭСи қурилишининг ўзида СССРдаги 50 дан ортиқ миллат вакиллари меҳнат қилди. Зилзиладан зарар кўрган Тошкент аҳолисига мамлакатимиздаги ҳамма халқлар қардошлик ёрдами бергани туфайли совет халқларининг буюк дўстлиги, қардошлиги ва интернационал бирлигининг рамзи бўлган янги Тошкент бунёдга келганини тарих унутмайди. Ўшанда Тошкент қурилишида Москва ва Киев, Минск ва Боку, Литва ва Латвия, Арманистон ва Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон ҳамда бошқа жойлардан келган қардошлар қўлни-қўлга бериб ишладилар. Бу умумхалқ қурилишида қатнашган украиналик йигит А. Белоус кўпчиликнинг фикрини ифодалаб, қуйидагича ёзади: «Ўзбекистон пойтахтида қад кўтарган шинам биноларда менинг ҳам озми-кўпми улушим борлиги билан фахрланаман. Уларнинг ҳар бир ғиштида биз, қурувчиларнинг қалб қўримиз бор, биз серқўёш шаҳар Тошкент ва унинг меҳмондўст, саҳий халқи симосини бир умр унутмаймиз».

Интернационал бурчига чексиз садоқатли ўзбек халқи ҳам қардошлар билан ҳамиша ҳамдард, ҳамнафаслир. Оддий бир мисол. Аввалги йили Доғистонда ер қимирлаб, аҳолиси бошига қулфат тушганда, ўзбекистонлик қурувчилар биринчилар қаторида ёрдамга келдилар, қардошлар учун янги уйлар, мактаблар ва бошқа жамоат бинолари қуришга киришдилар. Бошқа республикалардаги беш йиллик қурилишларида ҳам Ўзбекистон ССР ишчи кучи ва зарур техника, хом ашё етказиб бериш билан актив иштирок этмоқда. Ўзбекистон-қардошларга, қардошлар-Ўзбекистонга... Бу давримизнинг, тузумимизнинг буюк яратувчилик кучидан, инсонпарварлик ва интернационал принципларидан далолат беради.

Шу кунларда Андижон сув омбори қурилишида ўзаро мусобақа тобора қулоч ёзмоқда. Суратда: Обиджон Солиев (ўнгдан тўртинчи) бошчилик қилаётган пешқадам бетончилар бригадаси қурувчиларини кўриб турибсиз. Уларни «Андижангидрострой» коллективи алоҳида ҳурмат билан тилга олади.

Г. Кечкин фотоси.

ЁШ ЖАНГЧИЛАРГА МУКОФОТЛАР

Совет Қуролли Кучларининг 54 йиллиги кунида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида пойтахт гарнизонидаги жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларини қабул қилиш маросими ўтказилди. Бу ерга улар билан бирга Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ҳам келишди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғофуржонов ҳар икки авлодга мансуб жангчиларни байрам билан табриклади.

Жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиларининг катта бир группасига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари топширилди. (ЎзТАГ).

Танқид ва тақриз

МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Бепоён Ватанимизга келиб-кетаётган чет элликлар одатда, бошқа кўп ҳодисалар қатори икки нарсага: бизга чет эл адабиётининг кўплаб таржима этилаётганига ҳамда чет тилларнинг ўқитилишига катта эътибор қилинаётганига тан бермоқдалар.

Ўзбекистон партия ва ҳукумати мамлакатимизнинг халқаро алоқалари анча кенгайган бир шароитда фан, техника, маданиятнинг турли соҳаларида ишлаётган мутахассисларнинг ҳамда мамлакатимиз меҳнаткашлари кенг доираларининг чет тилларни билишлари катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Ўшанда малакали чет тили ўқитувчилари тайёрлашни яхшилаш, пухта программа ва дарсликлар нашр этиш муҳим вазифалардан бири қилиб қўйилган эди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Ғарб ва Шарқнинг асосий тилларини яхши билиш фақат маданий аҳамият касб этиб қолмай, айни пайтда партиямизнинг халқаро ҳамкорлик ва тинчликни муттасил мустаҳкамлаб боришга қаратилган ҳамиша изчил сиёсатига хизмат қилиш билан ҳам катта сиёсий аҳамиятга эгадир.

Шу жиҳатдан университетларнинг шарқ филология ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун «Форс тили»* дарслигининг нашр этилганлиги айни муддао бўлди.

Совет тилшунослиги ва эроншунослигининг кейинги ютуқларидан ва «Форс тили» қўлланмаларининг энг яхши тажрибаларидан ижодий фойдаланиш заминида ҳамда авторнинг кўп йиллик тажрибаси асосида бунёдга келган ушбу дарслик ўзининг структураси жиҳатидан ҳам, назарий-методик принципларининг пухта ва изчил бўлиши билан ҳам қатор афзалликларга эга. Чунончи, назарий билимлар билан амалий материалларнинг ўзаро уйғунлиги, программа талаблари асосида уларнинг оддийдан мураккабга қараб бориши, текст ва машқларнинг пухта ўйлаб тузилганлиги шулар жумласидандир.

Дарсликнинг муҳим томонларидан бири шуки, унда курс давомида форс тилидан ўрганилиши зарур бўлган сўзлар минимуми белгилаб берилган. Шунга кўра, дарслик давомида студент 2300 та янги сўзни ўрганиши лозим. Бу сўзлар моддий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларига оид бўлиб, уларни белгилаш, тегишли текстларга едириб бериш, шубҳасиз, муаллифдан катта ижодий меҳнат ва маҳорат талаб этган. Бу сўзлар минимуми форс тили асосларини амалий жиҳатдан эгаллаш учун етарлидир. Бошқача қилиб айтганда, бу сўзларни пухта эгаллаган студент форс тилида ёзилган публицистик, бадиий, илмий, сиёсий ва фольклор асарларини, шунингдек, классик форс адабиёти намуналарини ўқий олиш ва луғат ёрдамида таржима қила олиш иқтидорига эга бўлади.

Қўлланмада форс тилининг грамматик қоидалари мумкин қадар муфассал ва мукаммал изоҳ қилинган. Форс тили грамматик қоидаларини ўзлаштиришни осонлаштириш мақсадида улар ўзбек тили грамматик қоидалари билан қиёсий равишда олиб борилади.

Дарсликда форс тилининг каллиграфик асослари ҳам етарли даражада ўз ифодасини топган. Чунончи, ҳарф элементларининг ёзилиши, каллиграфик машқлар шулар жумласидандир. Классик ва ҳозирги форс адабиётидан берилган намунавий текстлар ҳам моҳият-эътибори билан характерлидир. Форсча (шунингдек, бошқа халқлар) календарь ҳисобини белгилаб берувчи илова ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Қўлланма охирида берилган «Форсча-ўзбекча луғат» қисми барча дарс машғулотларига алоқадор бўлиши билан бирга, у ёки бу текстни ўзбекчадан форсчага ва форсчадан ўзбекчага таржима қилишда студентларга яқиндан амалий ёрдам беради.

Қўлланма айрим камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Чунончи, 8-бетда «балуж» тили «балучи» деб берилган. Қофни «Қ» билан ифодалаб, транскрипцион камчиликка йўл қўйилган (20-бет). Бундан ташқари, баъзи сўзлар нотўғри транскрипция қилинган ва баъзиларининг маъноси тўғри берилмаган. Масалан, «чуб» форсчада «Таёқ» маъносида ишлатилади, дарсликда эса «чўп» деб изоҳланган.

Янги дарслик нашр этилганлигини қувватлаш билан бирга, яна кенг студентлар оммаси учун мўлжалланган «Форсча-ўзбекча луғат», «Форс тили хрестоматияси», «Форс тилининг назарий грамматикаси» каби ўқув қўлланмаларини нашр этиш ҳам муҳим иш эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

А. РУСТАМОВ,
филология фанлари доктори, профессор.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ доценти.

*) М. Абдусаматов. Форс тили. «Ўқитувчи» нашриёти, 1971 й.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» КОНКУРСИГА

МАНГУ БАҲОР БЎЛСА

ОЧЕРК

Ҳарбий комиссариатнинг муддатли хизматни ўташ учун берган чақириқ қоғозини олган йигит айримларга ўхшаб сувга тушган мусичадай бўлмади .Бор гапни оширмай ва яширмай отасига айтди. Сирожиддин ота ҳам «Гапнинг бу ёғи билан ишинг бўлмасин» дегандай, ўғлининг елкасига қоқиб қўйди, холос. Армияга кетишга саноқли кунлар қолди. Нонуштага ёзилган дастурхон йиғиштирилаётганда:

— Ҳурматой, ўқиган ўзади, деганлари рост-да. Мана, тўнғичимиз эр етиб, армияга ҳам чақирилибди. Майли, юртга келган тўй. Ой бориб, омон келсин. Ўзининг мучали ҳам асп-от. Мана, энди арғумоқ миниб Ватанни қўриқлайди. Қолаверса, инқилоб йили туғилган. Ошна-оғайнилари уни «инқилоб фарзанди», дейишади. — деди.

Бу гапни эшитган она «Мен отанг ҳазил қиляптилар десам, рост экан-да» дегандай ялт этиб ўғлига қаради. У мулойим боқиб турарди. Она-да! Бундай кезларда бошқаларнинг этаги куйса, уларнинг юраги куяди. Онаизори «қулт» этиб ютинди.

1939 йил. Фрунзе вокзали. Тумонат одам йиғилган. Ота-оналар болаларининг қош-кўзидан қайта-қайта ўпиб, оқ йўл тилашаётир... Белгиланган муддатда поезд қўзғалди. Хозиргина бир-бирига гап бермаётган йигитлар кечга бориб дим ўйнагандай индашмасди. Ҳар ким ўз ўйи билан банд. Баланд бўйли, жингалак сочли, кенг пешанали, қора кўзли, қалдирғоч қанот қошли йигитнинг хаёли ҳам этагини асло тутқазмайди.

...Киндик қони тўкилган Конибодом шаҳри. Ҳаёт алифбесини ўргатган Қўқон шаҳридаги тўлиқсиз ўрта мактаб. Тошкентдаги Ленин номли педагогика техникуми ва Қирғизистон Давлат педагогика институтидаги студентлик йиллари. Ҳамма-ҳаммаси ортда қоляпти. У аввал хаёл сурганда, кўз олдига мактаб ва фанга ташна ўқувчилар келарди. Энди-чи? Қандай қисмга тушади? Уни қандай касбга ўргатишади? Ҳар қалай, олий маълумотли физика-математика ўқитувчи эканлигимни инобатга олишса керак, дерди ўз-ўзига. Сўнг яна хаёли айланиб, уйдагиларга кетарди. Айниқса отасининг насиҳати худди қулоғи тагида айтилаётгандай туюларди:

«Ҳарбий хизмат, ўғлим, Кавказ курорти ёки Фарғона водийсида дам олиш эмас. У ерда интизом қаттиқ бўлади. Командирнинг айтганини икки қилма. Ҳар қандай буйруқни тез ва соз бажар. Ўшаларнинг измидан чиқма. Олий маълумотлиман деб бепарволик қилма. Нимани ўргатишса, ҳам ўқигин, ҳам уқиб олгин. Ёдингда бўлсин, кўлмак сув тез бузилади. Оқар сув-чи? Лойқаланади, аммо барибир тинади. Ана шу гапларимни бажо келтирсанг, бир ердан чиқасан».

Бир неча кун давом этган сафардан чарчагандай поезд белгиланган манзилга ҳансираб етиб келди .Куни кечаги бўз йигит Ростов-Дон шаҳрида солдатлик шинелини кийди. «Яхши ният ярим мол» деганларидай, уни артиллерия полкига олишди. Қизғин ва қийин, шарафли ҳарбий ҳаёт бошланди. Биринчи куни ўтказилган машғулотдаёқ, машҳур саркарда Суворовнинг «Генерал бўлишни орзу қилмаган солдат солдат эмас», — деган сўзлари ва ер куррасининг уч нуқтасида уруш ўчоғи пайдо бўлгани ҳақида гап кетди. Берлин — Рим — Токио ўқи инсоният бошига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган кулфат солганини шу машғулот қатнашчилари кўплар қатори кейинчалик жангоҳда кўриб иқрор бўлишди.

Юриш-туриши, рус тилини яхши билиши ва техникага бўлган ҳавасини кўрган полк командири орадан кўп ўтмай. уни сержантлар тайёрловчи мактабга ўқишга юборди. Ҳарбий ҳаётнинг ҳар бир куни отасининг насиҳатлари ниҳоятда тўғри эканлигига далолат эди. Унинг дастлабки хулосаси шу бўлдики, институтни битирсак-да, ҳали ҳаётда кўп нарсаларни билмас эканмиз.

Синфларда олинган назарий билимлар, дала машқларида татбиқ қилинади. Худди ана шунда институтда олинган билимлар қўл келди. Куни кечагина катта қувватдаги тўп ва замбаракларга чўчиброқ қараган йигит тезда уни ўз измига солиб олди. Янги келтирилган тўпларнинг стволига қараб «юраги» билан «ўпкаси»ни айтиб бера бошлади...

Уйдан келган хатларни қайта-қайта ўқир ва тезда жавоб йўлларди. Нега деганда, у ерда ҳам ўн нафар қора кўз ва қора қош унинг бир энлик хатини муштоқ бўлиб кутишяпти.

Икки қовун пишиғи ўтгач, собиқ курсант совет офицери деган шарафли ном эгаси бўлди. Лавозими — взвод командири, унвони младший лейтенант.

— Краснодар ўлкаси. Кўплар қатори мен ҳам дала машғулотидан чарчаб қайтдим. Чунки шу пайтда биз хизмат қилаётган полк ёзги лагерда машқ ўтказарди. Ҳамма тинч уйқуда. Кутилмаганда сиреналар садоси янгради. Тревога! Бу — мамлакатимизнинг ҳамма бурчакларидаги ҳарбий қисмларда олдинма-кейин бошланган тревога сигнали эди. Бу — совет халқи учун 1418 кеча-кундуз давом этган Улуғ Ватан урушининг бошланган куни — 1941 йилнинг 22 июни — якшанбаси эди.

Ҳамма гап митингда равшан бўлди. Митингда сўзга чиққан ҳар бир солдат ва офицер Ватан озодлиги йўлида керак бўлса кўксини қалқон қилишга тайёр эканлигини, фашизм кулининг кўкка совурилиши муқаррарлигини таъкидлади.

Тезда қўмондонликдан полкимиз Москва мудофаасида қатнашиш ҳақида буйруқ олди. Душман «яшин тезлиги»да ҳужум олиб бориб, урушни тезда тугатиш ниятида эди. Шунинг учун асосий кучини пойтахтимизга қаратди. Немис фашистлари Москвага бутун Европадагидан кўпрок бронетанк қисмларини йўллаган эди. Лекин оқибати нима бўлди? «Тайфун» операцияси кунфаякун бўлди. Кўп миллатли совет халқи Москва остонасида фашистларнинг калласига шундай залворли мушт туширдики, душман пешанаси қашқа бўлди. Курскда оёғи, Сталинградда бели чиқиб кетди. Жаҳонга ҳукмронликни даво қилаётган зўравонлар ҳатто мотам тутди. Ленинградда тили куйди. Уруш бизнинг чегарамиздан ташқарига чиққач, душман ўз ини — Берлинга қараб шаталоқ отди. Заҳарли илоннинг боши ўз уясида янчилди. Рейхстаг устида ғалаба байроғи порлади. Лекин шу кунга эришиш учун қанчадан-қанча қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Булар энди фақат тарих бўлиб қолди, — деди суҳбатдошим.

— Москвадан кейин қайси фронтларда бўлдингиз? — дедим ҳамсуҳбатимнинг эски ярасини янгилаганимга тўла иқрор бўлиб. Генерал қорасидан оқи кўп сочини силаб, бироз ўйлаб жавоб қайтарди:

— Дастлаб Марказий фронтда, сўнгра Ғарбий фронтда. Кейинчалик 2-Белоруссия фронтида. Қисқаси, жангни Москва остонасида бошлаб, Курск, Минск ва қардош Польшани озод этишда қатнашдим. Курск йўналишидаги қизғин жангдан сўнг орада бироз сукунат бошланди. Ўрмон чеккасида уч киши овқатланиб ўтирардик. Айримлар эҳтиёт шарт деб ертўлага тушишди. Дзугаев, адъютантим Балаян ва мен бирга овқатланиб ўтирардик. Осмонда қора қўнғиздай бўлиб, немис самолёти кўринди. Жангчиларимиз ўзларини ўнглаб олишга улгурмай, кетма-кет бомба ташлади. Ҳаммамиз ерга ётдик. Бомба портлади. Унинг парчаси Балаяннинг пешанасига теккан экан, тил тортмай жон берди. Лекин Дзугаев йўқ. Қидирдик. Топилмади. Ҳамма ҳайрон. Бомба портлашидан ҳосил бўлган тўлқин машина радиаторини учириб кетибди. Уни қидириб борган дўстларимиз одамнинг битта оёғини кўтариб келишди. Этикни ечдик. Унинг қўнжидан қошиқ тушди. Ўша вақтда ҳар бир жангчи ўз қошиғига номини ёзиб қўярди. Қарасак, Дзугаевнинг қошиғи...

Мен уруш йиллари артиллерия разведкасида хизмат қилдим. Вазифамиз — кундузи ва кечаси душман томонидан отилган тўпларнинг батареяси координатини (турадиган жойини) аниқлаш эди.

Ҳарбий соҳадан бироз хабарим бўлгани учун: «Бу ажал билан ҳар дақиқа рўбарў бўладиган соҳа-ку», — деб юборишимга сал қолди. Суҳбатдошим буни сезди чоғи:

— Белоруссияда Березина деган дарё ва қишлоқ бор. Унинг яқинида қаттиқ жанг бўлди. Немислар қаршилик кўрсатаверди. Командирнинг буйруғи билан бир нечта разведкачи душманнинг орқа томонига ўтдик. Тепаликдаги пана жойга ўрнашиб олиб, рацияни ҳозирладик. Душманнинг тўпланишини кутдик. Координатларни рация орқали айтиб турдик. Карабсизки, артиллериямиз чунонам «сайраб» бердики, бир зумда душман тутдай тўкилди. Орқага қайтаётганлари билан бизлар «муомала» қилдик, тириклари асир тушди.

Моҳир артиллериячи — разведкачи майор Бурхон Сирожиддиновнинг бу жасорати юксак тақдирланди. Унинг кўксига Москва остоналарида олган II даражали Ватан уруши ордени ёнига, 1 даражали Ватан уруши ордени қўшилди.

— Қилаётган ишинг натижасини кўрсанг кучингга-куч, қувватингга-қувват қўшиларкан. Урушда фолбинлик кетмайди. Разведка берган маълумот доимо ҳолисона бўлиши керак. Агарда бунинг тескариси бўлса, кўпчиликнинг ёстиғи бекорга қуриб кетади. Биз буни доимо ёдда тутардик. Ҳар бир жанг олдидан разведка тўплаган маълумотларни аэрофотосъёмкалар билан солиштирардик. Артиллерия тайёргарлиги учун бу ҳаводек зарур. Душман артеллериясининг координати ва унинг дислокацияси бўйича қилган ҳисоб-китобимизнинг аксарияти тўғри чиқарди. Буни қандай билиш мумкин? Ўша объект душмандан озод қилингач, маълумотларни қайта текшириб кўрардик. Бизнинг артиллериячи бригадамиз доимо пиёда қўшинлари ҳужумини қўллаб-қувватларди. Бир куни штаб бошлиғининг ўринбосари мени ўз ҳузурига чақириб, разведкага боришимни айтди. Мавжуд маълумотга биноан, яқин атрофда немислар йўқ, деди. Ўн разведкачи билан ўрмондан чиқиб, бир қишлоқни босиб ўтиб, унинг ортидаги ўрмонга боришимиз топширилди. Вазифа — бригадамиз учун жой белгилаш эди. Зудлик билан машинага ўтирдик. Қишлоққа яқинлашдик. Ёмғир ёғиб ўтган. У ерда тирик жон йўқ, машинанинг изи йўқ. Беҳавотир ўтиб кетдик. Ўрмонга кириб, қаерга командирлик пункти, қаерга штаб ва ҳоказолар жойланишини ёзиб, белгилар қўйиб, қисмимизга қайтаётган эдик. Қишлоқдан ўтиб ўрмонга яқинлашаётганда бир тўда немис автоматчиларига дуч келсак бўладими! Разведкачилар ҳар қадамда фавқулодда воқеага дуч келишини яхши билсак-да, аввалига шошиб қолдик. Лекин ўйлаб ўтирадиган вақт эмас. Машина тезлигини ошириб, автоматлардан ўт очдик. Немислар ҳам бу кутилмаган учрашувдан саросимага тушиб қолди. Уларнинг орқасидан пиёда аскарлар таъқиб қилиб келаётган экан. Душман таслим бўлди. Бу жуда катта сабоқ бўлди. Белоруссияни озод қилишда ана шундай воқеага дуч келганман. Хуллас калом, урушда ҳар қадамда ажал билан тез-тез бетма-бет келасан...

Қардош Польшани озод қилишда ҳам иштирок этганлигимни юқорида айтгандим. 1945 йилнинг февралида Польшада навбатдаги ҳужумга тайёргарлик кўриб бўлингач, қуролдош дўстларимиз билан гурунглашиб ўтирардик. Шунда мени йўқлаб қолишди. Ўзимча яна «сафар»га борсам керак, деб ўйладим. Лекин мутлақо кутилмаган воқеага дуч келдим. 2-Белоруссия фронтининг қўмондони маршал К. К. Рокоссовскийнинг имзоси билан беш-олти киши Коломна шаҳридаги Қизил Армия офицерларининг Олий артиллерия мактабига жўнаши ҳақида буйруқ келган экан. Бу рўйхатда менинг ҳам исми-шарифим қайд қилинибди. Шундай қилиб, бир неча йиллар орзиқиб кутилган ғалабани ўша мактабнинг тингловчиси бўлиб эшитдим. Мактабни тамомлагач, Қизил Армия Артиллерия Бош бошқармаси илтимосимга биноан мени Тошкентга ишга юборди. Чунки ота-онамни кўрмаганимга ҳам анча вақт бўлганди. Бу ерга келиб уруш даврида эвакуация қилинган Подольск ҳарбий мактабида артиллерия тактикасидан дарс бердим. Бу мактаб тугатилгач, Ички ишлар министрлиги соҳасига ўтдим ва уч йил шу министрликнинг ўрта мактабида дарс бердим. Отам ҳам, уйдагилар ҳам менинг шу соҳада қолишимга рози бўлишди. Билимимни ошириш учун институтга ўқишга кириб, уни 1953 йилда тамомладим. Дастлаб Тошкент шаҳар, сўнгра Ўзбекистон ССР граждан мудофааси штаби бошлиғи бўлиб ишладим.

Оқар сув айнамаслиги рост экан. Москва, Курск, Белоруссия ва қардош Польшани озод этишнинг фаол иштирокчиси, йўлда учраган ҳар бир қийинчиликни совет офицерига, коммунистга хос матонат билан босиб ўтган Бурхон Сирожиддинов артиллерия бригадаси штаби бошлиғи ўринбосари лавозимига кўтарилди.

Улуғ Ватан урушидан кейин ҳам, у қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, топширилган вазифани сидқидилдан бажариб келмоқда. Унинг кўксини I-II даражали Ватан уруши, Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденлари ва 13 та медаль безаб турганлиги фикримизнинг далилидир.

1965 йилда Бурхон Сирожиддиновнинг ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. У СССР Қуролли Кучлари Генералитети сафидан жой олди. Генерал-майор деган унвонга сазовор бўлди.

Фарзанд падари бузрукворига берган ваъдасини оқлади. Ота-чи? У киши ҳам ўз сўзини бажарди. Б. Сирожиддиновнинг укаси Саъдихон Сирожиддинов етук олим. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти. Ўз соҳасида ҳам атоқли, ҳам саноқли олимларимиздан. Йирик давлат ва жамоат арбоби. Кенжатойлари Абдуманнон «симсим, оч эшигингни» деб ер қаърини ўрганувчи олим. Геология-минерология фанлари кандидати. Сингиллари Манзурахон эса яратувчи ва ижодкор халқимизнинг тарихини ёш авлодга ўргатувчи ўқитувчи.

Тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйган, саховатли қалб эгаси бўлган Ҳурматой ая 1954 йилда вафот этди. У фарзандларининг ҳаммасини давримизнинг муносиб кишилари бўлишига салмоқли ҳисса қўшди. Сирожиддин ота эса ҳозир 86 ёшдалар. Бу оила аъзоларининг ҳаёти ниҳоятда мазмунли ва тотли. Агар уларнинг қайси бирларидан шундай бахтли ва фаровон ҳаётни сизларга ким берди? — деб сўрасангиз, сўзсиз, аниқ ва лўнда жавоб оласиз:

— Ўзи баҳорда туғилиб, инсониятга баҳор ва бахт йўлини кўрсатиб берган Ленин!

— Давримизнинг шарафи, шони ва виждони бўлган Коммунистик партия!

— Жангларда туғилган, кураш ва меҳнатда тобланган совет халқларининг қардошлик оиласи ва ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси!

Генерал Бурхон Сирожиддинов билан хайрлашиб ташқарига чиқдим. Ҳа, жангоҳ кўрган ш[illegible]орлардан бири билан суҳбатлашдим. У кишининг хотирасига урушнинг машаққатли йилларини солганим учун ўзимни гўё айбдор деб ҳисоблаётгандайман. Лекин дилим ғурурдан ҳаприқади. Ўзбеклардан чиққан жанговар генералларимизни санаш учун қўлдаги бармоқлар етар экан, уларнинг ҳаёт йўлини, жангдаги жасорати ва ҳарбий-сиёсий тайёргарликдаги маҳоратини қанча мадҳ этсак ҳам арзийди. Зеро, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг қирқ йиллигидаги тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев сўзлаган нутқида айтганидек: «Ўзбек халқи порлоқ ҳаётга эришиш йўлида кўпгина жиддий синовларга бардош берди. Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши бутун Ватанимиз учун бўлгани каби ўзбек халқи учун ҳам энг оғир синов бўлди. Ўзбекистон территорияси жанг бўлиб турган районлардан гарчи узоқда бўлса ҳам, лекин Совет Иттифоқидаги барча республикалар каби у ҳам ўз ишлари билан фронтнинг энг олдинги линиясида турар эди. Ўзбек халқининг минг-минглаб шонли фарзандлари — пиёда аскарлар, тўпчилар, учувчилар, танкчилар, снайперлар, разведкачилар — Ватаннинг шон-шуҳрати ва озодлиги учун жанг қилдилар. Улардан кўпларининг номлари ва, аввало, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Усмонов, Эргашев, Бобоев генераллардан Раҳимов, Узоқов, Норхўжаевларнинг номлари тарихга ўзбек халқи фарзандларининг ҳарбий шавкат ва шуҳрати намунаси бўлиб ёзилиб қолади». Шундай.

Йўлда кетарканман, майин шабада юзларимга урилади. Бу — баҳорнинг нишонаси.

Ҳадемай баҳор бошланади. Табиат ўз кўркини кўз-кўз қилади. Қани энди ер курраси узра мангу баҳор бўлса. Ўтмишнинг оғир урушлари такрорланмаса! Ота-боболаримиз димоғига урилган порох ҳидини инсон боласи асло ҳидламаса! Афсуски, ҳозирча бундай эмас. Лекин қачонлардир, албатта. шундай кун келади.

Ўткир АБДУАЗИМОВ.

Совет республикалари ўртасидаги қардошларча ўзаро ёрдам, иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришда, мамлакат ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштиришда партиямиз фақат экономика мақсадларинигина эмас, балки бу ўлкаларда ўз ишчи синфи ва саноат интеллигенцияси бўлишини, ривожланган саноати, қишлоқ хўжалиги, фани ва маданияти бўлишини назарда тутиб иш юритди. Биз эндиликда Шарқда машъал бўлган республикамиз — Ўзбекистонга, унинг қиёфасига, одамларига назар ташлар эканмиз, чексиз фахрланамиз. Замонавий техника ва автоматлар билан қуролланган оғир индустрия, ривожланган қишлоқ хўжалиги, илм-фан марказлари, янги Тошкент ёки навқирон Навоий шаҳри осмонўпар бинолари, янги-янги иншоотлар, конлар—буларнинг ҳаммасида ўзбек халқи билан бирга мамлакатимиздаги барча қардош халқларларнинг ҳам улкан ҳиссаси бор.

Шу билан бирга, қардош республикалар далаларида Ўзбекистон машинасозлари яратган хилма-хил техника, Урал металлургларининг жонига оро кирган Бухоро гази, Ватанимиз ҳазинасини бойитаётган олтинимиз, дунёга машҳур «оқ олтин»имиз ва бошқа кўплаб бойликларимиз билан фахрланамиз.

Дарҳақиқат, коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини яратишда, мамлакатимиз турли миллат ва элатларини янада яқинлаштиришда миллий республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, қардошларча ҳамкорлик жуда катта аҳамият касб этади. Шунга кўра, Ўзбекистон ССРнинг умумиттифоқ ишлаб чиқаришидаги ҳиссаси ҳам ортиб бормоқда. Бунда, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида республикамизнинг асосан мамлакат пахтачилик комплекси сифатидаги роли ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон ҳозир СССРда етиштирилаётган пахтанинг қарийб 70 процентини беради. Шунингдек, бошқа қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам республикамизнинг муҳим ўрни бор. Чунончи, Ўзбекистон ССРнинг мамлакат халқ хўжалигидаги салмоғи-каноп етиштириш бўйича—92,8, пилла етиштириш бўйича—54,8, қоракўл тери бўйича —38,5 процентни ташкил этади.

Лекин Ўзбекистон, маълумки, фақат қишлоқ хўжалик ўлкаси бўлибгина қолмай, у илғор индустриал республика ҳамдир. У пахтачилик учун машиналар ва ускуналар ишлаб чиқаришда дунёда иккинчи (АҚШдан сўнг) ўринда туради. Пахта териш, кўрак чувиш, кўрак териш машиналари, чигит экиш сеялкалари ишлаб чиқаришда эса иттифоқда биринчи, ип йигириш машиналари ишлаб чиқаришда — иккинчи, осма кранлар, газ ишлаб чиқаришда учинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон қардош республикаларга асосан пахта толаси, қоракўл тери, жун, газлама, ўсимлик мойи, ҳўл мева, қишлоқ хўжалик, тўқимачилик машиналари, электр кабеллари, рангли металлар, газ, химия саноати учун ускуналар ва бошқа кўплаб нодир маҳсулотлар юбормоқда. Республикамиздан юборилаётган аксарият маҳсулотларнинг адреси РСФСР, Украина, Белоруссия, Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларидир. Пойтахтимиздаги «Таштекстильмаш» заводининг жаҳонга машҳур «ПК-100» маркали тўқимачилик машиналарини деярли ҳамма қардошларимиз корхоналарида кўриш мумкин. Андижон машинасозлари яратган қудратли насослар, Тошкент экскаваторлари айниқса бизга қўшни республикаларда, Украина, Белоруссия ва Закавказье республикаларида машҳур.

Ўзбекистон ССРнинг мамлакат йирик газ ҳавзаси сифатидаги аҳамияти йилдан-йилга ортиб бормоқда. Эндиликда республикамиз газ саноати умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлиб, у кўплаб корхоналарни, металлургия марказларини. энг мураккаб ишлаб чиқариш жараёнларини газлаштириш имкониятини бермоқда. Шуни назарда тутиб Ўзбекистон газчилари меҳнат ғайратларини тобора оширмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзидагина улар 33,6 миллиард куб метр ҳажмида газ қазиб чиқариб, топшириқни 1970 йилдагига нисбатан 105 процент бажардилар.

Шу билан бирга, Ўзбекистон қардош республикалардан хилма-хил саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиб туради. Республикамиз қардошлардан олаётган маҳсулотлар орасида қора ва рангли металл прокатлари ,электр ускуналари. металл қирқиш станоклари, қудратли трактор ва автомобиллар, қурилиш материаллари, дон маҳсулотлари, шакар ва гўшт, мебель ва кийим-кечак, маданий-маиший товарлар ва бошқа маҳсулотлар бор. Ўзбекистон ССРдаги бошқа қардош республикалар билан иқтисодий алоқалар нақадар тез ўсиб бораётганлигини яққол ифодаловчи қуйидаги рақамларга эътибор қилинг: агар 1965 йилда Ўзбекистон ССРдан қардош республикаларга темир йўл транспорти орқали 33,2 миллион тонна юк жўнатилиб , 44,9 миллион тонна юк келтирилган бўлса, 1970 йилда 43,8 миллион тонна юк жўнатилиб, республикамизга 58 миллион тонна юк келтирилган. Совет республикалари ўртасидаги бундай иқтисодий ҳамкорлик уларнинг экономикасини ривожлантириш билан бирга энг муҳими, ўзаро қардошлик, дўстликни, бирликни янада мустаҳкамлайди.

Республикалараро иқтисодий ҳамкорлик мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, ҳар бир республикада ишлаб чиқаришнинг техника билан қуролланиш даражаси ва самарадорлигини оширишга ҳар томонлама таъсир кўрсатади, табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш имкониятини беради. Бундан ташқари, халқ моддий фаровонлигини ошириш, совет кишиларининг кенг истеъмол товарларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш ҳам кўп жиҳатдан ўзаро иқтисодий алоқаларнинг ривожига боғлиқ.

КПСС XXIV съездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган Директиваларида барча иттифоқчи республикалар экономикаси ва маданиятини янада тез ўстиришга алоҳида аҳамият берилган. Коммунистик жамият моддий-техника базасини яратишда янги босқич бўлган тўққизинчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишда, халқимиз турмуш даражасини кўтаришда республикалараро иқтисодий алоқаларни яна ҳам мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Съезд Директиваларида таъкидланганидек, янги беш йилликда ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, территориал иқтисодий алоқалар такомиллаштирилади, бунда иттифоқдош республикаларнинг роли яна ҳам оширилади. Шунга кўра, мамлакатнинг шарқий районларида, жумладан Ўзбекистон ССРда табиий ресурсларни жадал ўзлаштириш ва уларнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш кўзда тутилади. Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда анча арзон энергетика ресурслари мавжуд бўлгани учун энергияни кўп талаб қиладиган янги саноат корхоналари ана шу районларда қурилади. Чунончи, республикамизда химиявий толалар ишлаб чиқарадиган улкан корхона қад кўтаради, Навоийда цемент заводи ва химия комбинати, Олмалиқ аммофос заводининг иккинчи навбати, Сирдарё ГРЭСининг дастлабки агрегатлари ишга туширилади. Бундан ташқари, салкам ярим миллион гектар суғориладиган янги ерлар ўзлаштирилади. Бундай улкан иншоотларни қуришда, табиий ресурсларни ишга солишда албатта қардошларнинг ёрдами, иқтисодий мадади жуда муҳим.

СССР ташкил этилгандан бери ўтган ярим аср мобайнида ленинчи Коммунистик партиямиз раҳбарлигида миллий совет республикалари ҳаётида юз берган улкан социал ўзгаришларда, улар экономикаси ва маданиятидаги юксалишларда мамлакатимиз миллатлари ва элатлари иқтисодий ҳамкорлигининг ҳаётбахш кучи ўз ифодасини топди. «Биргаликда қилинган меҳнатда, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездидаги Ҳисобот докладида, — **социализм учун курашда, социализмни ҳимоя қилиш учун олиб борилган жангларда синфлар ва социал гуруҳлар, миллатлар ва элатлар ўртасида янги, гармоник муносабатлар — дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари пайдо бўлди. Бизнинг кишиларимиз марксча-ленинча идеологиянинг муштараклиги, коммунистик жамият қуришдаги юксак мақсадларнинг муштараклиги билан жипслашган».**

Совет республикаларининг меҳнаткашлари ривожланган социализм даврида коммунизм моддий-техника базасини яратиш учун курашар эканлар, неча ўн йиллар давомида бутун совет ҳокимияти тажрибасида синалган ва ажойиб натижалар берган дўстлик, қардошларча иқтисодий ҳамкорлик анъаналарини давом эттирадилар ва янада мустаҳкамлайдилар, чунки буни Ленин орзу қилган эди, чунки бу инсониятнинг эзгу орзуси — коммунистик жамият қурилишига, Ватанимиздаги барча миллат ва элатларнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилади.

Н. УЛУҒЖОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

ХАТЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ВИГОВОР БЕРИЛДИ

Редакцияга келган хатларнинг бирида Бойсун районидаги Калинин номли 41-мактабда ўқув-тарбия ишлари талабга жавоб бермаётгани ҳақида хабар қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг редакцияга хабар қилишича, хат юзасидан Сурхондарё область халқ маорифи бўлими текшириш ўтказган. Текширишда унда кўрсатилган фактлар тасдиқланган. Камчиликларни тугатиш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланган. Мактабдаги ўқув-тарбия ишлари устидан назоратни сусайтириб юборгани учун мактаб директори Т. Жумақуловга қаттиқ виговор берилган.

ИНСТИТУТДА МУЗЕЙ

Ф. Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида Буюк Британия Коммунистик партияси тарихи музейи очилди. Музей экспонатлари орасида пролетариат доҳийлари К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг Англияда нашр этилган турли асарлари ва уларнинг Лондондаги қаёти ва ижоди ҳақидаги китоблар ва мақолалар алоҳида ўрин тутади.

Музейда Англия Коммунистик партиясининг асосчиси Гарри Поллит ва Буюк Британия Коммунистик партиясининг ҳозирги раҳбари Жон Голланнинг асарлари сақланяпти. Шунингдек, ундан марксизм ва ленинизмга, инглиз касаба союзи ва Коммунистик партияси тарихига бағишланган асарлар ҳам ўрин олган.

Бошқа стендларда эса Англия Коммунистик партиясининг ҳозирги кундаги фаолиятига оид ҳужжатлар қўйилган. Экспонатлар орасидан инглиз комсомоли қаётини ёритадиган материаллар ҳам жой олган.

Музей Англия Коммунистик партияси билан мустаҳкам алоқа боғлаган.

М. УСМОНОВ,
Р. ТУРҒУНОВ.

ЛОНДОН. Англия студентлари консерваторлар ҳукуматининг сиёсатига қарши қатъий норозилик билдирмоқдалар. Суратда: инглиз студентларининг намойиши. Ёшлар бу намойишларида инглиз кончилари билан бирдам эканликларини ҳам изҳор этдилар.

Камера Пресс—ТАСС фотоси.

ЯНГИЛИКЛАР ХАБАРЛАР ВОҚЕАЛАР — ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

Корхоналар қуввати ортади

ВАРШАВА. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига кирувчи мамлакатлар томонидан тузилган халқаро банк Польшада учта корхонани қуриш ва модернизациялаш учун ўтган йили пул ажратган эди. Булар—Варшава яқинидаги Блоч аниқ механика заводи, Загуждаги электр двигателлари корхонаси ҳамда Прашек автомобиль жиҳозлари заводидир.

Блондаги корхона қайтадан қурилгач, ҳисоблаш ва ечиш машиналари учун алоҳида узеллар тайёрлаб берадиган бўлади. Шу пайтгача эса корхона турли хил маркадаги соатлар ҳамда контроль-ҳисоблаш асбоблари ишлаб чиқарар эди.

Прашекдаги корхона эса, автомобиллар учун мой билан ишлайдиган ва ҳаво насослари тайёрлаб берадиган бўлади. Халқаро банк томонидан олинган маблағ ҳисобига бу ерда янги цех қурилмоқда. Цехда юк машиналари, автобуслар ҳамда автоприцеплар учун пневмотормозлар ишлаб чиқариладиган бўлади. Бу маҳсулотлар ана шу хилдаги машиналарни ишлаб чиқарувчи барча социалистик мамлакатлар учун юборилади.

Болгария саноати ўсмоқда

СОФИЯ. Юксакликка интилган завод бинолари эндиликда Шимолий Болгария манзарасининг асосий кўрки бўлиб қолди. Бундай корхоналар айниқса Дунай қирғоқларида кўпчиликни ташкил этади. Русе, Видин, Свиштов шаҳарларида йирик сунъий тола комбинати қурилиш тугалланмоқда, Козлодуй яқинида Болгарияда биринчи атом электр станциясининг корпуслари юксалмоқда.

Саноатнинг гигант корхоналари қаторида Слистрдаги ёғоч саноати комбинати ҳам алоҳида ўрин олади. Бу комбинат Совет Иттифоқидан келадиган маҳсулот асосида ишлайди ва ҳар йили 700 минг куб метрга яқин ёғочни қайта ишлаш қувватига эга бўлади. Бундан ташқари, целлюлоза, мебель ҳамда қоғоз фабрикалари, ёғоч-толали плиталар ҳамда ёғочсозлик заводлари, иссиқлик электр станциялари қурилади. Дунайда янги порт бунёд этилади.

Институтлар ҳамкорлиги

БЕРЛИН. Лойиҳа—Мерзебург шаҳридаги «Карл Шорлеммер» олий техника мактаби бир неча йиллардан буён Ленинграддаги С. М. Киров номли технология институти билан дўстона алоқа боғлаб келмоқда. Ўқув юртларининг олимлари бир-бирларига меҳмон бўлиб бормоқдалар, ёш мутахассислар ўзларининг билимларини ўзаро ўртоқлашмоқдалар.

Ҳозирги кунда бу ҳамкорлик социалистик интеграциянинг ҳозирги янги даврида тағин ҳам ривожланмоқда. Бунга совет ва немис институтлари томонидан имзоланган ва 1972-1973 йилларга мўлжалланган битим асос бўлди. Бу битимга мувофиқ, институтлар ҳар доим бир-бирларига ўзаро ахборотлар бериб турадилар, студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш, ўқув материалларини ишлаб чиқиш юзасидан конференциялар ўтказадилар, биргаликда илмий-тадқиқот ишлари олиб борадилар, симпозиумлар ўтказадилар, ўзаро олимлар ва ўқитувчилар алмашиниб турадилар.

Монголия мебели

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ Республикасида Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар ёрдами билан бир қанча йирик ёғочсозлик комбинатлари қурилди. Бу корхоналар шу йилнинг ўзидаёқ ўтган йилдагига нисбатан 14 процент кўп миқдорда маҳсулот етказиб беради. Шунингдек, корхоналар халқ хўжалигини ёғочдан ишланган буюмлар билан тўла таъминлайди ва аҳолига мебель ва бошқа маиший буюмлар етказиб беришни янада кўпайтиради.

Яқинда Улан-Баторда ана шундай корхоналар қаторида яна бир йирик ёғочсозлик комбинати тикланди. Бу корхона ҳар йили 10 мингларча шкаф, кровать, стол ва бошқа мебеллар ишлаб чиқаради. (АПН).



АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ПЕКИНДА

ПЕКИН, 23 февраль. (ТАСС). Бугун АҚШ президенти Р. Никсоннинг ХХР Давлат кенгашининг бошлиғи Чжоу Эн-лай билан учинчи учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув тўрт соатдан зиёд давом қилди. Айни маҳалда АҚШ давлат секретари У. Рожерс ХХР ташқи ишлар министри Цзи Пэн-фэй билан музокаралар олиб борди.

Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи вакили Зиглер Америка-Хитой суҳбатларининг мазмуни тўғрисида Америка мухбирларининг берган саволларига ҳар икки томон музокараларда нима гаплар бўлаётганлиги хусусида ҳеч нима айтмаслик тўғрисида олдиндан келишиб олганларини баҳона қилиб, бирон жавоб қайтиришдан бўйин товлади. Зиглер визит охирида тегишли ахборот эълон қилинади, деди.

Пекиндаги журналистлар ўз хабарларида «Хитой матбуоти Р. Никсон визитини ёритиш қўламини жуда ошириб юборганликарини» ёзмоқдалар.

Пекин газеталари бугун Хитой раҳбарларининг АҚШ президенти билан тушган бир қанча суратларини, шунингдек Р. Никсон, Чжоу Эн-лай ва Мао Цзэ-дунинг хотини Цзян Цин билан «замонавий революцион балет»ни томоша қилаётганликларидаги фотосуратларини босиб чиқарди. Пекин телевидениеси Мао Цзэ-дунинг Р. Никсон билан учрашувида ва президент шарафига Чжоу Эн-лай берган зиёфат тўғрисидаги ярим соатлик программани кўрсатди.

Бу ердаги шарҳчилар Пекин газеталари ва радио эшиттиришларида «Америка империализми» тўғрисида бironта ҳам гап йўқлигига эътиборни жалб қилмоқдалар. Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикасига ҳужумлари ва Жанубий Вьетнамни бомбардимон қилиш тўғрисидаги хабарлар Хитой матбуотида сезиларли даражада қисқариб кетди. «Жэньминь жибао» газетасининг бугунги сонида Вьетнам тўғрисида эълон қилинган икки материалда Вьетнам ватанпарварларининг номсиз душманларга қарши олиб борган курашлари тўғрисида гапирилади.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

◆ **ОТТАВА.** Канаданинг аэропортларида ва денгиз портларида радиолокация ва навигация асбоб-ускуналарини, алоқа воситаларини бошқариб турган техникларнинг умуммиллий забастовкаси давом этмоқда. Шу муносабат билан мамлакат ичкарисидаги ҳаво йўллари алоқаси бир неча ҳафтадан бери узилиб қолди.

Иш ташлаганлар иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

Мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида Канада радио эшиттириш корпорациясининг техниклари иш ҳақининг оширилиши ва иш куни қисқартирилишини талаб қилиб бир ойдан бери навбатма-навбат иш ташламоқдалар. Стачка натижасида кўпгина радио телевизион программалар бекор қилинди.

◆ **БРЮССЕЛЬ.** Шарле-Руада «Асеи» компанияси электр машинасозлик корхоналарининг ўн мингга яқин ишчилари 24 соатлик забастовка бошладилар. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар.

◆ **БУЭНОС-АЙРЕС.** Аргентинанинг Ла-Пампа вилоятида ўтган йил октябрь ойларидаёқ туз конларида бошланган забастовка муваффақият билан тугади. Конларнинг хўжайинлари ишдан бўшатилган кишиларнинг ҳаммасини ишга қайтариб олишга, ишчиларнинг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш чораларини кўришга мажбур бўлдилар.

(ТАСС).

ОЛЬСТЕР. Инглиз солдатлари ва полицияси Лондон ва Белфаст ҳукмрон доиралари ўтказиб келаётган эўравонлик сиёсатига қарши чиқаётган омма ҳаракатини ёвузларча бостиришга уринмоқдалар. Суратда: Белфастлик 10 ёшли Франсис Макардл инглиз босқинчиларининг қурбони бўлди. У қўлида оғиз-бурнини майиб қилган резина ўқни ушлаб турибди.

ТАСС фотохроникаси.

КОНСЕРВАТОРЛАР СИЁСАТИГА ЗАРБА

ЛОНДОН, 23 февраль. ТАСС мухбири В. Василев хабар беради:

Англияда электр энергия етишмай қолганлиги сабабли ўтган кунлар давомида заводлар ва фабрикалар ёпиқлигича қолаверди, икки миллионга яқин ишчиси бўлган бу корхоналар аввалгидек ишламай тураверди. Консерваторлар ҳукумати узоқ давом этган кураш натижасида шахтёрлар кўрсатаётган қаршиликни синдиришга уриниши Британия эко номикасини мушкул аҳволга солиб қўйди. Савдо ва саноат министри Дэвис умумпалатасида гапириб, шахтёрлар гарчи келаси якшанба куни ишга тушганлари тақдирда ҳам электр энергиянинг истеъмол қилинишига қўйилган чеклашни олиб ташламоқ учун яна уч ҳафта вақт керак бўлади, деди.

Кончиларнинг ҳаққоний талабларини қондиришдан ҳукумат ўжарлик қилиб бош тортганлиги Англия экономикасига қанчага тушганлигини ҳали ҳозирча ҳеч ким ҳисоблаб чиққани йўқ. Ҳар ҳолда бунинг натижасида бўлган зарар кончиларнинг иш ҳақини ошириш учун зарур бўлган пулнинг миқдоридан бир неча баравар ошиб кетса керак.

Консерваторларнинг меҳнаткашларга нисбатан кўрқўрона синфий нафрати шахтёрларнинг курашдаги матонатига ва мамлакатдаги ишчилар синфининг бошқа отрядлари улар билан кенг равишда бирдамлик қилаётганларига тўғри баҳо беришларига ҳалақит берди. Хит ҳукуматига катта сиёсий зарба етказди. Ҳатто консерваторларнинг ўз партияси сафларида ҳам норозилик овозлари эшитилиб турибди. Кўпгина обзорчиларнинг айтишларига қараганда, консерваторлар ҳукумати 1970 йил июнь ойида ҳокимиятни қўлга олганидан бери ҳозиргидек катта жиддий тачгликка учрамаган эди.

Инфляция билан курашнинг бутун оғирлигини меҳнаткашлар устига юклашга уринаётган, шу мақсадда меҳнаткашларнинг иш ҳақини кўпайтиришни, қимматчилик муттасил ошиб бораётганлигига қарамай, ҳар томонлама чеклаб қўяётган консерваторларнинг иқтисодий сиёсати шахтёрларнинг ғалабаси натижасида жиддий зарбага учради. Шу муносабат билан «Морнинг стар» газетаси, шахтёрларнинг ғалабаси Англиядаги ишчилар синфининг ғалабаси бўлди, деб таъкидламоқда.

Шахтёрларнинг забастовкаси ҳали тугагани йўқ, кўмир омборлари одидаги пикетлар (забастовкачиларнинг соқчилари) қайтариб олинди, холос. Шахталарнинг ҳаммаси аввалдагидек ёпиқ. Можарони бартараф қилиш учун тузилган ҳукумат комиссиясининг талабларига касаба союз раҳбарлари розилик берганидан кейин бу таклифлар кончилар миллий касаба союзининг барча аъзолари орасида овозга қўйилди. Овоз натижалари ҳафтанинг охирида маълум бўлади. Агар шу таклифлар кўпчилик овоз билан маъқулланса, инглиз кончиларининг 49 кун давом этган ялпи забастовкасидан кейин шахталарда душанба куни яна иш бошлаб юборилади.

ҲАР ТЎҒРИДА

Говмишнинг рекорди

Гомель областидаги «Березнянский» совхозининг сут соғувчиси Нина Шаблинская ўзида йўқ хурсанд. Бултур унинг қарамоғидаги сигирлардан бири — «Малишка» лақабли говмиш бирданига тўрт бузоқ туққан эди. Тажрибали чорвадор бузоқларни меҳр билан парвариш қилди. Ғунажинлар жуда яхши ўсди. Ҳозир улардан ҳар бирининг вазни 240—250 килограмм келади. Оналари «Малишка» бўлса бу йил яна учта бузоқ туғиб берди. Улар дуркун ўсмоқда.

Буюк Петрнинг уйи

Ленинграднинг энг қадимий музейи Пётр I нинг уйини қайта тиклаш учун вақтинча ёпиб қўйилди. ЮНЕСКОнинг қарорига мувофиқ жаҳон жамоатчилиги томонидан шу йилнинг май ойида кенг нишонланадиган Пётр 1 туғилган куннинг 300 йиллиги муносабати билан уй-музей реставрация қилиш ишлари бошлаб юборилди.

Бу уй Пётр замонидан қолган Ленинграддаги ягона ёғоч уйдир. У 1703 йилда Петербургга асос солинаётган пайтда қурилган эди. Революцияга қадар ҳам бу уй реставрация қилинган, 1824 йили сув тошқинидан кейин эса у бутунлай қайта тикланган эди. Орадан 20 йил ўтгач, архитектор И. Кузьмин уйчанинг устига тош ғилоф қурди. Бу ғилоф ҳозиргача сақланиб қолган.

Рамзес ибодатхонаси

Бу кунни Саид Балбуш беш йилдан буён кутарди. Мана ниҳоят қумлар тагидан девор қолдиқлари кўзга ташланди. Қоҳира яқинидаги Араб ал Ҳисн қишлоғи ёнгинасида кўхна Аюн шаҳрининг харобалари топилди. Қадимги Мисрда бу шаҳар Қуёш худосига сиғинувчиларнинг маркази бўлган.

Саид Балбуш раҳбарлигида Миср археологик экспедициясининг беш йиллик меҳнати зое кетмади. Археологлар қадимий худоларнинг ҳайкалчалари, иероглиф белгилари, қадимий подшоҳликнинг йирик лашкарбошиларидан бирининг қабрини топган эдилар. Мана, ниҳоят Аюн шаҳри ҳам топилди. Олимларнинг тахминича, қазишмалар давом эттирилса, Рамзес II нинг ибодатхонасини топиш мумкин. Чунки Аюн шаҳри унга олиб борувчи дарвоза бўлган.

(ТАСС).

ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛОВЧИ ШАРТНОМАЛАР

БОННН, 23 февраль. ТАСС мухбирлари Ю. Борисов ва И. Маслов хабар берадилар:

ГФР билан Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси ўртасида тузилган шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари бундестагда муҳокама этила бошлаганлиги муносабати билан федераль канцлер В. Брандт ва ташқи ишлар министри В. Шеель бугун нутқ сўзладилар. Брандт айтдики, «Москвада ва Варшавада тузилган шартномалар Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар яхшиланишига ёрдам беради». Бундестагнинг ана шу масала юзасидан қабул қилган қарори «келажак учун жуда катта аҳамиятга эга бўлади», деди канцлер. В. Брандт ГФР ҳукумати «Европадаги мавжуд фактларни эътироф этади» ва «ўзининг бундан буёнги сиёсий фаолиятида реал аҳволга асосланади» деб таъкидлади.

Канцлер федераль ҳукумат «ГДР билан умумий муносабатларни» шартнома асосида бартараф этишга тайёр, деган сўзларни ҳам айтди.

В. Брандт Ғарбий Берлин масаласи юзасидан тўрт томонлама тузилган битим муҳим аҳамиятга эгадир, деди. Бу битим «тинчликни мустаҳкамлади» деди у. Канцлер Европада кескинликни юмшатиш ва хавфсизликка ёрдам бериш мақсадида Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси билан Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг қабул қилган охирги қарорини ижобий қадам, деб тавсиф қилди.

В. Шеель ушбу шартномалар «Европада кескинликни юмшатиш, ҳамкорлик ва тинчлик учун замин ва негиз яратади», деб таъкидлади.

ГФР ҳукумати, деди В. Шеель, шартномалар тинчлик ва мамлакатимизнинг келажаги учун нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашни бутун дунё олдидаги ўз бурчи деб билади.

У шартномаларнинг мазмунига тўхталиб, таъкидладики, ГФР билан Совет Иттифоқи ўртасида тузилган шартномада ҳар икки томон мавжуд давлат чегаралари бузилмас деб қарашни ўз зиммаларига олганлар. Шартнома тузган давлатлар ҳеч бир территория даъволари йўқлигини таъкидлайдилар. Бу ҳол бизнинг сиёсатимизга мос келади, деди В. Шеель.

ГФР билан СССР ва ПХР ўртасида тузилган шартномалар шу давлатлар ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришни мақсад қилиб қўяди. Давлатларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари шартномаларда равшан ифодалаб берилган. Бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартномада қатнашувчи давлатларнинг бирортасига имтиёз бермайди. Кескинликни юмшатиш ва нормаллаштириш, деди В. Шеель, Европадаги сиёсий процесс замини бўлиб, хавфсизликни мустаҳкамлашни мақсад қилиб қўяди.

Ташқи ишлар министри айтдики, Европадаги реал мавжуд аҳвол равшан эътироф этилмас экан, Европадаги социалистик давлатлар билан ҳеч қандай ҳамкорлик бўлиши мумкин эмас ва кескинлик юмшамайди. «Биз мана шунга асосланмоғимиз керак, Шарқий Европадаги халқлар билан муносабатларни яхшилашга интилувчи ҳар бир давлат мана шунга асосланмоғи керак», — деди у.

В. Шеелнинг фикрига кўра, шартномалар Шарқ билан сиёсий мунозара олиб бормоқ ҳамда ҳар икки томон учун фойдали иқтисодий илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик учун яхши замин яратади.

В. Шеель оппозициядаги христиан демократик союз-христиан социал союз партияси раҳбарларининг шартномаларни танқид қилиб чиққанликларини мутлақо асоссиз деб рад этди.

Сўнгра бундестагда музокаралар бошланди. Оппозициядаги ХДС-ХСС партиясининг раҳбари Барцель биринчи бўлиб сўзга чиқди. Унинг бутун нутқи шартномалар ҳусусида оппозиция илгари айтган «шубҳа» ва «писандалар»ни амалда такрорлашдан иборат бўлди. Нотиқ Европада мустаҳкам тинчлик асосларини қўювчи мана шу муҳим сиёсий ҳужжатлар моҳиятини бузиб кўрсатишга ҳаракат қилди.

Унинг сўзлаган нутқида хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумеврупа кенгаши чақирилишига салбий муносабати ҳам изҳор этилди.

Барцель ХДС-ХСС партияси бундестагда ГФР билан Совет Иттифоқи ва Польша ўртасида тузилган шартномаларга қарши овоз беради, деди.

Германия Социал демократик партиясининг парламенттаги фракцияси раиси Г. Венер шартномалар тўғрисидаги қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлаб гапирди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Янгиликлар, 11.10 — Ғалати гаров (бадиий фильм), 12.30 — МОСКВА. 17.45 — ТОШКЕНТ. 17.50— «Ёшлик» студияси кўрсатади. 18.25 — Социализм дунёси, 19.00 — Ахборот, 19.15 — Музикали танаффус, 19.25 — Халқ контроли экрани, 19.55 — Ахборот, 20.10 — МОСКВА. КВН, 22.00 — «ВАҚТ», 22.30 — ТОШКЕНТ. «БУСТОН».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.50 — Врач маслаҳати, 19.00 — МОСКВА. 20.10 — ТОШКЕНТ. 21.10 — Ўзбекистон йўллари, 21.30 — Телефильм, 22.30 — МОСКВА. **Хоккей:** СССР чемпионати.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. 20.10 — Тўлқинда-«02», 20.40 — Ҳужжатли фильм, 21.05 — **Эҳтиёт бўлинг, буви** (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/II да **Табассум ўғрилари**, 26/II да **Шоҳ Эдип.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/II да **Лаҳма**, 26/II да **Хотиннинг эри.**

КИНО

Садоқат (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «КЎКЧА», НАВОИЙ номли, «ҲАМЗА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Соқов ва севги (кундуз соат 1, 5 кеч соат 8.45 минутда), **Чингачгук — катта илон** (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 7 да) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Менинг соҳибжамол маликам (кундуз соат 2, кеч соат 8 да), **Масҳарабозлар** (кундуз соат 12, 5 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Етти иқлим нарида (эрталаб соат 11 яримда), **Эр — хотиннинг уриши...** (кундуз соат 1 ярим, 5, кеч соат 8 яримда) — «МОСКВА».

Том Жонс — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кекса Тоомасни ўғирлашди — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: немис тили лексикаси, немис тили фонетикаси (фан кандидатлари); чет тиллари таълими методикаси (фан кандидати ёки катта ўқитувчи).

Конкурс муддати — мартгача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Муқимий кўчаси, 104-уй.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОМБИНАТИГА

ремонт заводларида иш тажрибасига эга бўлган қурилиш ва йўл техникаси ремонти бўйича мутахассислар, токарлар, фрезерчилар, слесарлар; металл конструкцияларни йиғувчилар, инструментчилар, иссиқлик аппаратуралари ремонти бўйича, уксуналар ремонти бўйича; газ-электр пайвандчилар, пайвандлаш участкалари мастерлари, сантехниклар, дурадгорлар, темирчилар, штамповкачилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли ҳамда 40 процент коэффициент ва КЗОТ бўйича қўшимча ҳақ тўланади.

Елғиз кишиларга ётоқхона, силаликларга бир йил ичида уй берилади.

Мурожаат учун адрес: Қашқадарё область, Қарши шаҳри, Бешкент шоссеси.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот бўйича давлат комитети, Ўзбекистон Китоб савдоси бирлашмаси Хоразм область китоб савдосининг бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган мадаият ходими

Али Холматович ХОЛМАТОВнинг

вафот этганлигини маълум қилади ва марҳумнинг оиласига таъзия билдиради.

«Совет Ўзбекистони» газета редакцияси коллективи редакция ходими А. Тўраевга отаси

Тўра ЭРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор ўринбосари Ж. ЖАББОРОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №23, Редактор—336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330663. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропагаида қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 332143, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенографистка — 337343, Корректура—337162, Эълонлар—338142, Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 43—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 47. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 02242.